# ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!



2008 ЙИЛ, 31 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ | № 249-250 (11.310-11.311) | Баҳоси эркин нархда

## XXI АСР САДОСИ
**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• **ЯНГИ, 2009 ЙИЛ КИРИБ КЕЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИГА ҚАТОР ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ДАВЛАТ ВА ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИДАН ЭЗГУ НИЯТЛАР ИЗҲОР ЭТИЛГАН САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР КЕЛМОҚДА.**

• Бухородаги «Бухоро-Палас» меҳмонхонасининг байрамона безатилган муҳташам залида 32-Меҳрибонлик уйи, вилоятлараро ихтисослашган Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, эҳтиёжманд оилалар фарзандлари иштирокида «Президент арчаси» шодиёналари бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида «Табиат ва рассом» мавзуидаги анъанавий кўргазма очилди. Мазкур кўргазма мусаввирларимизнинг йил якунида ўзига хос ижодий сарҳисоби бўлиб, унда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида яшовчи рассомларнинг 300 дан зиёд ишлари намойиш этилмоқда.

• Пахтакор туманида ҳомий ва ҳамкор ташкилотларнинг амалий ёрдамида ҳашар йўли билан «Ёшлар маркази» бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Янги бинода «Камолот» ЁИҲ туман бўлими, Жиззах политехника институти Ахборот-ресурс марказининг Пахтакор тумани тармоғи жойлашди. Барча қулайликларга эга ушбу марказ замонавий техник воситалар, мебел ва асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланди.

• Олмаликдаги Алишер Навоий номидаги маҳалла марказида янги иш бошлаган «Равшаной Файз» хусусий фирмаси аҳоли дастурхонига ўзининг илк маҳсулоти —Янги йил тортларини тортиқ этди.

• Урганч шаҳридаги марказий деҳқон бозорида қисқа фурсатда 2,6 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Эндиликда савдо ўринлари сони 1265 тага етиб, ёпиқ павильонларнинг ҳар бирида 300 сотувчи харидорга хизмат кўрсатади.

• Ўзбекистон Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши Навоий вилоят вакиллиги ташаббуси билан спартакиада ўтказилди. Унда вакиллик тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар жамоалари спорт ва халқ ўйинларининг мини-футбол, волейбол, югуриш, тош кўтариш, арқон тортиш ҳамда шахмат-шашка турлари бўйича куч синашдилар.

### ЖАҲОНДА

• Оманда бўлиб ўтган саммитда Форс кўрфазида жойлашган 6 та араб давлатлари ўзлари учун ягона валюта жорий этиш хусусида келишиб олишди. Тез орада ушбу давлатлар шу мақсадда ягона Марказий банк ташкил этишади.

• Россияда иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш ва меҳнат бозорида фаол сиёсат юритиш учун 326,3 миллиард рубл заҳирага олинди.

• Украина Россиядан табиий газ учун жорий йилги қарзидан бугун қутулиши керак. Ана шунда ушбу мамлакатга 1 январдан бошлаб табиий газ етказиб беришда узилиш бўлмайди. Шу муносабат билан ҳукумат томонидан «Нафтогаз Украини» компаниясига иккита йирик банкдан 2 миллиард долларлик маблағни жалб этиши учун рухсат берилди.

• Кеча жаҳон товар биржаларида ўтказилган навбатдаги савдоларда нефтнинг нархи яна пастга тушиб кетди.

• Исроил ҳарбийларининг Фаластинга нисбатан ҳарбий операцияларни амалга ошириши натижасида кеча яна 13 киши ҳаётдан кўз юмди. Ҳозирда Фаластинда электр энергияси йўқлиги, озиқ-овқат ва дори-дармонларнинг тақчиллиги туфайли жуда оғир вазият юзага келган. Фаластин мухториятига гуманитар ёрдам кўрсатилиши ва ҳарбий операцияларни тўхтатишни талаб қилган ҳолда, нафақат араб давлатларида, балки кеча Нью-Йорк ва Сеул шаҳарларида ҳам норозилик намойишлари бўлиб ўтди.

• Тожикистон Республикаси парламентининг юқори палатаси мамлакат Жиноят Кодексининг давлат ҳудудига сифати паст, қалбаки ва муддати ўтган дори-дармонларни олиб кириш учун жавобгарликни кўзда тутувчи моддаларига ўзгартиришлар киритди. Янги ўзгаришларга кўра республикага юқоридаги каби маҳсулотларнинг олиб кирилганлиги учун 5,5 минг доллардан 10 минг долларгача бўлган жарима турлари қўлланилади ёки қонунбузар шахс 2 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилади.

• 2010 йилдан бошлаб Жанубий Кореяга келувчи сайёҳлар учун янги тартиб жорий этилади. Унга кўра, ташриф буюрувчилар мамлакат ҳудудига киришдан олдин ўз суратлари ҳамда бармоқ изларини топширишлари лозим бўлади. Бу борада янги қонун лойиҳаси тайёрланган бўлиб, у кейинги йилда парламент томонидан кўриб чиқилади. Айтиш керакки, янги қонун замирида халқаро терроризм, жиноятчилик ва чет эл фуқаролари томонидан мамлакат ҳудудида содир этилиши мумкин бўлган қонунбузарликларга қарши курашиш чора-тадбирлари мужассам.

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни
**Янгиликлар, воқеалар**

*«Ўзбекистонни жаннатмонанд ўлка дейишлари бежиз эмас экан. Заминингиз саховатли, одамларингиз кўнгли очиқ, миллий қадриятларингиз ғоят ажойиб ва жуда бой. Янги йил арафасида Тошкентнинг кенг кўчалари ва майдонлари, сайлгоҳлари, меҳмонхона ва ранг-баранг байрам томошаларини катта қизиқиш билан кузатмоқдаман».*



## «ЭРТАКЛАР ШАҲАРЧАСИ»ДА БОЛАЛИГИМГА ҚАЙТГАНДАЙ БЎЛДИМ



Бу – Янги йил байрами арафасида пойтахтимиз кўчаларида, боғларида ва муаззам майдонларида кўплаб учратиш мумкин бўлган чет эллик меҳмонлардан бири — **франциялик Даниель РЕЙНАРТ**нинг гаплари.

«Янги йил барча, айниқса, кичкинтойлар интиқлик билан кутадиган байрам, – дейди Д.Рейнарт. – Юртингизда байрам кунлари болаларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун яратилган шароитга ҳавасим келди. Ҳар томонлама дадил ривожланаётган Ўзбекистонга меҳрим янада ошди».

– Мамлакатингизга илк саёҳатим жуда мазмунли ўтмоқда, – дейди **Карл ХЕРМАН (Германия)**. – Юртингизни телевидение орқали томоша қилиб, бу ерга оилам билан келишни ният қилган эдим ва орзуимга етганимдан хурсандман. Саёҳатимиз асносида олган таассуротларимни таърифлашга ожизман. Мустақиллик майдонида безатилган улкан арча, турфа ўйинчоқлар, арча атрофида рақсга тушаётган шўх-шодон болажонлар майдонни эртаклар шаҳарчасига айлантириб юборган. Фарзандлари билан айланиб юрган ота-оналарни, байрам совғалари харид қилаётган қувноқ ёшларни, болакайларга совға улашаётган Қорбобо ва Қорқизни кўриб, юртингизга, одамларингизга чин дилдан ҳавасим келди. Бу ерда менинг фарзандларим ҳам яйраяпти. Юртингизда болаларнинг қишки таътили жуда мароқли ва сермазмун ўтиши учун яратилган шарт-шароит таҳсинга лойиқ.

Фурсатдан фойдаланиб, қисқа вақт ичида менга қалбан яқин бўлиб қолган халқингизни яқинлашиб келаётган Янги йил байрами билан табриклайман. Ўзбекистоннинг истиқболда янада юксалишига ишончим комил.

**Макеш ВАРСИ (Ҳиндистон):**

– Ўзбекистонга олти йил аввал келгандим. Ўшанда имконим бўлса, яна келаман, деб ният қилган эдим. Ўтган даврда юртингиз таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Кўплаб тарихий обида ва қадамжолар таъмирланибди. Янгидан бунёд этилган Ҳазрати Имом мажмуини кўриб лол қолдим. Ўта нозик дид билан қурилган ва безатилган ушбу мажмуанинг тароватини таърифлашга сўз тополмайман. Пойтахтингизда кўплаб замонавий иншоотлар қад ростлабди. Кўчалар, боғлар, маҳаллалар янада кўркамлашибди. Ўзбекистонга 2-3 йил келмаган киши бу ердаги ўзгаришларни кўриб, ҳайратга тушиши аниқ.

*(Давоми 2-бетда).*

## ЯНГИ ЙИЛНИ ТОШКЕНТДА КУТАМИЗ

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК РАМЗИ 2200 2009 ТОШКЕНТ

**МАМЛАКАТИМИЗДА АЗИМ ТОШКЕНТНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИГА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ КЕНГ КЎЛАМДА ДАВОМ ЭТМОҚДА. ЯНГИ ЙИЛ АРАФАСИДА ТОШКЕНТ МАЙДОНЛАРИДА, КЎЧАЛАРИДА КЎПЛАБ САЙЁҲЛАРНИ УЧРАТИШ МУМКИН. ЎЗА МУХБИРЛАРИ УЛАРДАН АЙРИМЛАРИНИНГ ТААССУРОТЛАРИ БИЛАН ҚИЗИҚДИ.**



**Комуто СУДЗУКИ (Япония):**

– Мамлакатингизга илк саёҳатим жуда мазмунли ўтмоқда. Мен Хива, Самарқанд, Бухоро ва Тошкент каби мафтункор шаҳарларда бўлиб, дунёга машҳур тарихий обидалар, меъморий ёдгорликлар ва муқаддас қадамжоларни зиёрат қилганимдан ғоят мамнунман. Юртингизнинг ҳар бир шаҳри ўзига хос гўзаллиги билан ажралиб туради. Мустақиллик майдонида амалга оширилган бетимсол ишларни ҳайрат билан томоша қилдим. Ушбу муаззам майдонда болажонлар учун безатилган улкан арча эътиборимни тортди. Янги йил арафасида бу ерда болакайларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши, ўйнаб-кулиши учун катта тайёргарлик кўрилганининг гувоҳи бўлдим. Мен 2009 йилни Тошкентда кутиб олишни ният қилганман. Шу боис янги йил кечаси мен учун эртаклардагидек ўтишига ишонаман.

**Альберт БАРТ (Германия):**

– Ўзбекистонга иш юзасидан тез-тез келиб тураман. Ҳар келганимда бу заминнинг чиройидан ҳайратга тушаман. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини нишонлашга астойдил ҳозирлик кўрилаётганидан хабарим бор. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, пойтахтингизда қад ростлаган пурвиқор иншоотлар, жаҳон андозаларига мос замонавий меҳмонхоналар сони тобора кўпаймоқда. Уларда хизмат кўрсатиш ҳам юксак савияда ташкил этилган. Тошкент – эртакмонанд шаҳар. Шу боис бу ерга қайта-қайта келгим келаверади.

Юртингизнинг асрлар мобайнида сайқалланган қадимий анъаналари ва урф-одатлари юксак гуманизми билан ажралиб туради. Ўзбекларнинг меҳмондўст халқ экани дунёга маълум. Мен бунга ўзбекона тўйларда иштирок этиш орқали яна бир карра амин бўлдим.

**Пилар Гомес ДИАС (Испания):**

– Тошкентнинг чиройини кўриб, лол қолдим. Пойтахтингиз ҳақида кўп эшитган эдим. Бу ерга келиб, тасаввуримдагидан бир неча ҳисса мафтункорроқ диёрни кўрдим. Пойтахтингизнинг миллий ва замонавий меъморлик анъаналарини ўзида уйғунлаштирган иншоотлари, тарихий обидалари, файзли маҳаллалари ва сўлим гўшалари, тўкин бозорлари, шунингдек, гўзал ва тароватли табиати ҳар қандай сайёҳни мафтун этади.

Биз оиламиз билан янги йилни Ўзбекистонда, Тошкентда кутиб олишга қарор қилдик ва бу қароримиздан ғоят бахтиёрмиз. Ушбу ажиб диёрдаги осуда ва тўкин ҳаётга чин дилдан ҳавасимиз келди.

**Абдураҳмон ал-ҲОМИДИЙ (Кувайт):**

– Ўтган йили “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида иштирок этиш асносида рўйи замин сайқали – қадим ва ҳамиша навқирон Самарқандни ҳамда азим Тошкентни кўриш бахтига муяссар бўлган эдим. Бу гал ҳам пойтахтингизнинг бетакрор тароватидан завқланяпман. Тошкентнинг жаҳонаро шуҳрати тобора юксалиб бораётганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

“Шарқ дарвозаси” деб ном олган Тошкентда амалга оширилган ишлар мени ҳайратда қолдирди. Кўплаб янги муҳташам иншоотлар, осмонўпар бинолар, мустаҳкам кўприклар бунёд этилиб, йўллар янада кенгайтирилганининг гувоҳи бўлдим. Айниқса, янгидан қад ростлаган, нафис санъат намуналарини ўзида акс эттирган Ҳазрати Имом мажмуи менда унутилмас таассурот қолдирди. Ушбу янгиланишлар бунёдкор халқингизнинг юксак салоҳияти, тафаккур қудрати, истеъдод ва маҳоратининг яна бир намоёнидир.

**Ким Им СУ (Корея Республикаси):**

– Инсоният бунёдкорлиги, юксак ақлу заковати, тафаккури тимсоли бўлган Самарқанд, Бухоро, Тошкент каби қадим шаҳарларга бой Ўзбекистон ҳақида кўп эшитган, уларни ойнаи жаҳон орқали томоша қилиб, бу ерга келишни ният қилган эдим. Бугун ушбу ниятимга эришганимдан мамнунман. Тилларда достон бўлган қадимий шаҳарларингиз, ҳақиқатан ҳам, кишини ҳайратга солишига амин бўлдим. Азим Тошкентнинг бетакрор тарихий обидалари ва муқаддас қадамжоларини зиёрат қилиб, руҳим кўтариляпти. Бундай тароватли шаҳарлар кам эканини алоҳида таъкидлашни истардим.

Қадим Тошкентда яшаб ижод қилган буюк мутафаккирлар ўзининг бой маънавий ва маданий мероси билан дунё цивилизацияси ривожига салмоқли ҳисса қўшган. Уларнинг эзгу ишларини бугунги авлод муносиб давом эттираётгани юртингиз келажаги буюк эканидан далолатдир.

Мамлакатингизда кенг кўламли изчил ислоҳотлар амалга оширилаётгани, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик мустаҳкамланаётгани ва халқ фаровонлиги юксалиб бораётганининг гувоҳи бўлдим. Бу заминнинг сурати ҳам, сийрати ҳам гўзал инсонларига ҳавасим келди.

**ЎзА мухбирлари**
**Нодира МАНЗУРОВА,**
**Ирода УМАРОВА**
**ёзиб олди**

## НАТИЖАЛАР САРҲИСОБ ҚИЛИНИБ, ИСТИҚБОЛЛАР БЕЛГИЛАНМОҚДА

**АЙНИ КУНЛАРДА ДУНЁНИНГ ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ СИЁСИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИГА БАҒИШЛАНГАН УЧРАШУВ ВА ТАДБИРЛАР БЎЛИБ ЎТМОҚДА. УЛАРДА 2008 ЙИЛДА МАМЛАКАТИМИЗ ЭРИШГАН НАТИЖАЛАР САРҲИСОБ ҚИЛИНИБ, КЕЛАЖАКДАГИ ТАРАҚҚИЁТ ИСТИҚБОЛЛАРИ КЕНГ МУҲОКАМА ЭТИЛМОҚДА.**

Ана шундай учрашувлардан бири яқинда мамлакатимизнинг Германиядаги элчихонасида бўлиб ўтди. Унда ГФР федерал ва ўлка ҳукуматлари вакиллари, Бундестаг депутатлари, Германиянинг ижтимоий-сиёсий, илмий-академик, ишбилармон доиралари вакиллари, Берлинда аккредитациядан ўтган дипломатия корпуси ходимлари иштирок этди.

Меҳмонлар Ўзбекистоннинг жорий йилда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тараққиёт борасида қўлга киритган натижалари, мамлакатимизда амалга оширилаётган жамиятни демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнлари билан танишди.

Учрашув қатнашчиларига Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасининг асосий жиҳатлари ҳақида маълумот берилди. Асосий Қонунимизнинг юртимизда мустақиллик йилларида демократик ва ҳуқуқий давлатни босқичма-босқич барпо этишдаги аҳамияти хусусида атрофлича гапириб берилди. Жумладан, мамлакатимизда мустақиллик даврида қўлга киритилган натижалар юртимиз танланган тараққиёт йўли нақадар тўғри эканини намойиш этиб, у халқимизнинг узоқ муддатли манфаатларини кўзлаши таъкидланди. Шу ўринда иштирокчилар Ўзбекистон Конституцияси мустақил тараққиёт жараёнида юзага келувчи масалаларни ҳал қилишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиб келаётганини ҳам қайд этишди.

Учрашувда, шунингдек, Ўзбекистонда жаҳон молия инқирози таъсирининг олдини олиш йўлида кўрилаётган чоралар хусусида сўз борди. Мамлакатимиз бунинг учун барча имконият ва шарт-шароитларга эга эканига алоҳида урғу берилди.

Иштирокчиларга Ўзбекистонда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинган 2009 йил учун белгиланган мақсад ва вазифалар хусусида ҳам ахборот берилди.

Учрашув якунида меҳмонларнинг айримлари ўз таассуротлари билан ўртоқлашди. Жумладан, Германиянинг федерал Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқ соҳасидаги халқаро ҳамкорлик жамғармаси раҳбари Матиас Веккерлинг Ўзбекистон жорий йилда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида жиддий қадамлар ташлаганини қайд этди. Бу ҳақда гапириб, у мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилингани, «Хабеас корпус» институтининг жорий қилиниши ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги бошқа муҳим чора-тадбирларни алоҳида таъкидлаб ўтди.

*(Давоми 5-бетда).*

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР,
ПОЙТАХТИМИЗНИНГ
СУЛУВ ҚИЗЛАРИ, АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР!

## «ИФФАТЛИ КЕЛИН»
## ЎҚУВ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

барчангизни

## Янги — 2009 йил

байрами билан чин юракдан муборакбод этади. Янги йилда барча орзу ниятларингиз амалга ошсин, аъло кайфият, соғлик-саломатлик ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин. Янги йилингиз қувончу шодликка тўлиқ бўлсин!

## ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР, ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Сиз, азизларни

ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ БИЛАН

самимий муборакбод этамиз. Ҳамиша кайфиятингиз чоғ, кўнглингиз нурафшон, соғлигингиз аъло, йўлларингиз чароғон ва бехатар бўлсин. Янги йилда ушалмаган орзуларимиз ушалсин, дастурхонимиз тўкин, юртимиз файзу баракага, омборларимиз дон-дунга тўлсин.



«12-АВТОБУС САРОЙИ»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

## «ONIKS»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

азиз ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини

ЯНГИ – 2009 ЙИЛ

шодиёнаси билан самимий қутлайди.

Янги йилда қалбларингизга жо бўлган яхши ниятларингиз ушалиб, кўзлаган мақсадларингиз амалга ошсин. Саломатлик, бахтиёрлик ва хотиржамлик барчангизга ҳамроҳ бўлишига тилакдошмиз.

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР ВА МУҲТАРАМ ҲАМШАҲАРЛАР!

## Янги—2009 йил

байрами билан барчангизни самимий муборакбод этамиз.

2009 йил янада зафарли ва ютуқларга бой бўлишига, ишларингиз бароридан келишига тилакдошмиз. Дастурхонингиз ҳамиша тўкин-сочин, саломатлигингиз мустаҳкам, бахтингиз бутун бўлсин!



«Бектемир спирт»
очиқ акциядорлик жамияти жамоаси.

ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР,
АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

## Янги – 2009 йил

билан барчангизни чин кўнгилдан муборакбод этамиз.

Сизларга бахт-саодат, мустаҳкам соғлик, оилавий бахт тилаймиз.

Хонадонларимиздан меҳру оқибат, файзу барака асло аримасин!



«Тошавтобустранс»
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

**АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР, ПОЙТАХТИМИЗ ВА ТУМАНИМИЗ ТАДБИРКОРЛАРИ!**

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАН ҲОКИМИЯТИ ҲУЗУРИДАГИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

**Сизларни Янги – 2009 йил билан самимий муборакбод этади.**

*Янги йилда барчангизга соғлик-омонлик, бахт ва омад, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилаймиз.*

*Юртимиз фаровонлиги йўлида олиб бораётган эзгу ишларингиз доимо бароридан келсин.*

---

**Янги йилингиз**

**қутлуғ бўлсин,**

**Азиз юртдошлар!**

IPOTEKA BANK

*Имконият яратамиз*

www.ipotekabank.uz

---

**АЗИЗ ЮРТДОШЛАР, ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!**

Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли ҳужжатлар марказий давлат архиви жамоаси

Сизларни янги 2009 йил шодиёналари билан самимий қутлайди.

*Янги йилда дилингиздаги энг эзгу орзу ниятлар ижобат бўлишига, яхши кайфият сизларни асло тарк этмаслигига тилакдошмиз!*

---

**АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!**

*Янги – 2009 йил*

барчангизга муборак бўлсин.

**Ватанимиз фаровонлиги ва равнақи йўлида амалга ошираётган ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз.**

*Доимо соғ-саломат бўлинг, ишларингиз ўнгидан келсин!*

**«ТОШКЕНТ ОЗИҚ-ОВҚАТ ЗАҲИРАСИ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ**

**қошидаги Курортлар бошқармаси жамоаси**

сизларни *Янги – 2009 йил билан* самимий муборакбод этади.

**Барчангизга соғлик-саломатлик, доимо хуш кайфият ҳамроҳ бўлишини тилайди.**

Азизлар, йил бўйи дам олиш, яхши ҳордиқ чиқариш, саломатлигингизни тиклаш учун сўлим ва баҳаво, барча зарур шарт-шароитлар яратилган санаторий ва курортларимизга таклиф этамиз.

---

**ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!**

Янги 2009 йил барчангизга муборак бўлсин. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги» ҳамда гўзал пойтахтимизнинг 2200 йиллиги нишонланадиган қутлуғ йилда дастурхонларимиз янада тўкин, табиатимиз мусаффо бўлсин. Бахт ва омад, мустаҳкам соғлик ҳеч қачон бизларни тарк этмасин. Яна бир бор Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси жамоаси

# ТАШАББУСЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

**ПОЙТАХТИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ МИЛЛИЙ АССОЦИАЦИЯСИ ТОМОНИДАН ЁШЛАРНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ОИД ТАШАББУСЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ФОРУМ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди кўмагида ташкил этилган мазкур тадбирда турли вазирлик ва идоралар, ёшлар билан ишловчи жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси кенгаши раиси Н.Ҳабибуллаев, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Г.Маърупова, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Ж.Ҳакимов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда изчиллик билан олиб борилаётганислоҳотлар жараёнида ёш авлодни етук инсонлар этиб тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

2008 йилда «Ёшлар йили» Давлат дастурига мувофиқ таълим-тарбия, кадрлар тайёрлаш, ёшлар саломатлигини мустаҳкамлаш, мустақил ҳаётга қадам қўйган оилаларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш борасидаги хайрли чора-тадбирлар кўлами янада кенгайди. Мазкур ҳужжатда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда турли вазирлик ва идоралар, ташкилотлар, муассасалар билан бирга жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан амалга оширилган қатор ижтимоий лойиҳалар бунинг далилидир.

Форумда ёшлар билан ишловчи жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, улар ўртасидаги ҳамкорлик самарадорлигини ошириш борасида атрофлича фикр алмашилди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари А.Шодмонов иштирок этди.

# ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ ФАОЛ ҲАЁТИЙ ПОЗИЦИЯСИ

**ЖАМИЯТИМИЗДА ТУБ ЎЗГАРИШЛАР РЎЙ БЕРАЁТГАН ҲОЗИРГИ ШАРОИТДА ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ ҲАЁТИДАГИ УСТУВОР ИНТИЛИШЛАР ВА ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ҚАРАШЛАРИ ҚАНДАЙ? «ИЖТИМОИЙ ФИКР» ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ МАРКАЗИ 2008 ЙИЛ — «ЁШЛАР ЙИЛИ» ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА АНА ШУ МАВЗУДА СЎРОВ ЎТКАЗДИ.**

Ўтказилган сўров натижалари шуни кўрсатдики, ёшлар Президентимиз Ислом Каримов томонидан ўзларига кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрликни, мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан ёш авлоднинг баркамол бўлиб вояга етиши, ўз истеъдодини намоён этиши, Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбия топиши учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилган чора-тадбирларни юксак қадрлайди.

Сўров давомида Ўзбекистон ёшларининг собитқадамлиги ва фаол ҳаётий позицияси юқори даражада экани, ўз мамлакатига фойда келтириш учун муносиб билим ва касб эгаллашга интилаётгани аниқланди. Йигит-қизларимизнинг 73,3 фоизи учун бу ҳаётий қадриятлар орасида муҳим аҳамият касб этади. Сўров маълумотларига кўра, ёшларнинг ярмидан кўпи ўз ихтисослиги бўйича меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксариятини эгаллаган касби, иш ҳақи ва меҳнат шароитлари қаноатлантиради. Ҳар икки нафардан бири ўз ишида хизмат пиллапояларидан кўтарилишга интилади.

Сўров қатнашчиларининг жавобларига қараганда, уларнинг бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишга қизиқиши ниҳоятда катта. Бу жамиятимизнинг энг фаол қисми ҳисобланган ёшларимиз ўз мақсадларига мамлакатда бозор иқтисодиётини ривожлантиришда иштирок этиш орқали эришишга интилаётганидан далолат беради.

Ёшларнинг кўпчилиги (94,6 фоизи) "Дунёда давлатлар кўп, аммо бизнинг Ватанимиз – Ўзбекистон ягона ва бетакрордир" деган фикрга қўшилиши уларнинг ватанпарварлиги юқори эканини тасдиқлайди. Шунингдек, йигит-қизларимизнинг ўз мамлакати, шаҳри, қишлоғи тарихини ўрганишга бўлган қизиқиши ҳам катта. Бу борада олинган маълумотлар аксарият ёшлар учун халқимизнинг тарихи, маданияти, анъана ва урф-одатлари юксак қадрият ҳисобланишини тасдиқлайди. Йигит-қизларнинг миллий ўзликни англаши уларнинг онгу тафаккурида "халқ анъана ва урф-одатлари", "халқимнинг бой ва мазмунли тарихи", "миллатимнинг маънавий ўзига хослиги", "Ўзбекистоннинг мустақиллиги", "аждодларимизнинг бой мероси", "она тили ва миллий маданият" каби тушунчалар мустаҳкам ўрин олгани билан изоҳланади.

Таъкидлаш жоизки, ўзбекистонлик ёшлар ўз жавобларида диний экстремизм ва террорчилик каби иллатларга салбий муносабатини яққол намоён этди (97,7 фоизи).

Шу билан бирга, тадқиқот давомида йигит-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражаси ҳам аниқланди. Уларнинг кўпчилиги ҳуқуқий саводхонлик зарур, деб ҳисоблайди. Бундай хулоса сўров қатнашчиларининг яшаш жойи, ёши, маълумот даражаси ва ижтимоий келиб чиқиши билан боғлиқ.

Ёшлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ва парламент сайловларида иштирок этиш ўзларининг ҳаётий фаол нуқтаи назарини ифода этиш ва шу тариқа мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатиш имконини беради, деб ҳисоблайди. Айни вақтда тадқиқот ёшларимиз ўзларини алоҳида ижтимоий гуруҳ деб билмаслигини, мустақиллик, масъулият ва эртанги кунга ишонч каби фазилатлар улар учун муҳимлигини кўрсатди.

Мазкур мавзуда илгари ўтказилган сўров натижалари билан қиёсий таҳлил шуни кўрсатдики, аксарият ўзбекистонлик ёшлар (80,7 фоизи) ўз келажагига ишонади. Улар буни, аввалამбор, яхши мутахассис бўлиб етишиш ҳамда Ватанимизнинг янада равнақ топишига ўз ҳиссасини қўшиш билан боғлайди.

Умуман олганда, ижтимоий тадқиқотлар Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларидаги барча ёшларнинг ижтимоий фаоллик даражаси юқорилиги ва руҳи кўтаринки эканидан далолат беради. Охирги сўров ёшлар давлатимиз томонидан ўзларига берилган имкониятни юқори баҳолашини ва ундан мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий ислоҳотлар жараёнида янада фаол иштирок этиш учун фойдаланиш ниятида эканини кўрсатди.

**«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида ЎзА мухбири А.ИВАНОВА тайёрлади.**

*2009 — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили*

# «МЕҲР НУРИ» ГРАНТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**ПОЙТАХТИМИЗДА «МЕҲР НУРИ» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ «ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ» ҲАМДА «КИЧИК БИЗНЕС ВА ФЕРМЕРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ» ДАСТУРЛАРИ БЎЙИЧА ГРАНТЛАР ТОПШИРИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда аграр соҳани изчил ривожлантириш ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда қишлоқ аҳолиси, айниқса ёшларни иш билан таъминлаш, қишлоқда саноат, хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш, ихчам техника ва технологиялар билан жиҳозланган қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Фермерлик, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ҳар томонлама ривожлантириш ишига ҳисса қўшиш «Меҳр нури» хайрия жамғармаси фаолиятининг муҳим йўналишларидан бирини ташкил этади. Мазкур жамоат ташкилотининг «Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун грантлар» ҳамда «Кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш учун грантлар» дастурлари шулар жумласидандир. 2008 йилда минг нафардан ортиқ иштирокчи томонидан тақдим этилган бизнес-режанинг элликтаси грантга лойиқ топилди.

Андижон вилоятининг Балиқчи туманида истиқомат қилувчи хусусий тадбиркор Эргашали Қурбонов тақдим этган бизнес-режа улардан бири.

— Мен сархил сабзавотларни қишда етиштириш бўйича бизнес-режа ишлаб чиққан эдим, — дейди Э.Қурбонов. - Ушбу режада иссиқхоналарда турли сабзавот ва кўкатларни қишки мавсумда етиштириб, ҳамюртларимиз дастурхонига тақдим этишнинг самарали усуллари кўзда тутилган. Дастурда ғолиб бўлганим кўпдан дилимга тугиб юрган ана шу эзгу ғоямни амалга ошириш имконини беради.

Хушвақт Жўраева — Бухоро вилоятининг Жондор туманидан. У «Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун грантлар» дастури учун қишлоқда касаначилик меҳнатини ривожлантиришга оид бизнес-режани тақдим этган. Дастурда ғолиб чиққани унинг тикиш цехида хотин-қизлар учун янги иш ўринларини яратишига, касаначилик меҳнатини ривожлантиришига имкон беради.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири**

*2008 йил — тақдиримда*

# МАҚСАД ВА НИЯТ ЭЗГУ БЎЛСИН

Кириб келаётган янги — 2009 йил байрами арафасида тарихга айланаётган 2008 йилни сарҳисоб қилар эканман, ўтиб бораётган йил менинг ҳаётимда, ижодий ишларимда ниҳоятда самарали ва омадли йил бўлганлигини ҳис қилмоқдаман. Инсон аввало ўз олдига қўйган эзгу мақсад ва ниятларини рўёбга чиқариш учун астойдил ўқиб, ўрганиши, интилиши, изланиши зарур экан. Машаққат чекмасдан ҳеч нарсага осонликча эришиб бўлмайди албатта. Буни мен ўз ҳаётим мисолида кўриб гувоҳ бўлдим.

Мен тасвирий санъатнинг карикатура (ҳажвий расм) тури бўйича кўп йиллардан буён ижод қилиб келаман. Дунёнинг 45 дан ортиқ мамлакатларида ўтказилган 300 дан зиёд халқаро карикатура кўргазмалари иштирокчисиман. Халқаро кўргазмалар ва танловларда 66 маротаба совриндор бўлдим. 2008 йил айниқса, ҳаётимда энг қувончли, унутилмас йил бўлди. Юртимиз Мустақиллигининг 17 йиллик тўйи арафасида кўпчилик юртдошларим қаторида мен ҳам давлатимизнинг юксак мукофоти — «Дўстлик» ордени билан тақдирландим. Бу менинг ижодимга, самарали меҳнатларимга ҳамда рассомлик санъатига берилган юксак эътибор намунаси деб биламан ва бундан ниҳоятда бахтиёрман. Ушбу мукофот мени яна ҳам тўлқинлантириб, илҳомлантириб юборди. Мақсадим, келгусида ушбу ишончга жавобан яна ҳам самарали ва баракали ижод қилиш, янги-янги асарлар яратишдан иборат.

2008 йил мен учун ҳақиқатан омадли йил бўлди.Йил бошидан халқаро ва мамлакатимизда бўлиб ўтган кўргазма ва танловларда 17 маротаба совринли ўринларга сазовор бўлдим. Жумладан, Эрон, Исроил, Сурия, Туркия, Руминия, Польша, Аргентина, Жанубий Корея, Непал ва бошқа чет мамлакатларда ўтказилган кўргазмаларда намойиш этилган ижод намуналарим махсус мукофот ва дипломлар билан тақдирланди. Янги йилда яна янги орзу-мақсадларни дилимга тугиб, иштиёқ билан ижод қилишга ҳаракат қиламан. Мақсадим, аввало қадриятлари улуғ бўлган Ўзбекистонимизни мусаввирларимизнинг санъат соҳасидаги маҳорат ва интеллектуал салоҳияти орқали дунёга танитиш ва ўзбекнинг ўзлигини кўрсатиш. Шу эзгу ният йўлида ҳамиша ижод қилишни ният қиламан.

Истардимки, кириб келаётган янги 2009 йил барча юртдошларимиз учун ҳам омадли, қувончли,орзулар ушаладиган мазмунли йил бўлсин. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.

**Маҳмуджон ЭШОНҚУЛОВ, Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, карикатурачи рассом, «Дўстлик» ордени совриндори:**

# ХИЗМАТНИ АЪЛО ДАРАЖАДА БАЖАРИБ

**КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ — ШУКУҲЛИ ЙИЛНИ ҲАР БИРИМИЗ ТУРЛИ ДАВРАЛАРДА НИШОНЛАЙМИЗ. КИМДИР ДЎСТЛАР ДАВРАСИДА, ЯНА КИМДИР ОИЛА АЪЗОЛАРИ БИЛАН, КИМЛАРДИР ЭСА САФАРЛАРДА КУТИБ ОЛАДИ. АЙРИМ СОҲА ХОДИМЛАРИГА ЭСА ҚУТЛУҒ АЙЁМНИ ИШ ЖОЙИДА — ХИЗМАТНИ АЪЛО ДАРАЖАДА БАЖАРИБ, ОДАМЛАРГА ЯХШИ КАЙФИЯТ УЛАШИБ КУТИБ ОЛИШ НАСИБ ЭТАДИ. ШУНДАЙ ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗНИНГ ДИЛ СЎЗЛАРИГА ҚУЛОҚ ТУТАЙЛИК:**

● **Раҳматжон РАСУЛОВ; «7-автобус саройи» акциядорлик жамиятининг 77-йўналишдаги автобус ҳайдовчиси:**

— Одам тафтини одам босади, деган гап бор халқимизда. Чиндан ҳам ана шундай. Бизнинг касбда юзлаб одамларни кўриш, уларнинг сўзларини тинглаш деярли ҳар куни такрорланади. Айниқса, байрам кунларида яқинлари, қон-қариндошлари ҳузурига отланган хуш кайфиятдаги одамлар сизнинг ҳам дилингизга шодлик улашади.

Мен 18 йилдан буён ҳайдовчилик касбини эъзозлаётган бўлсам, иш куним кўп бора 31 декабрь — Янги йилни кутиб олиш кунига тўғри келган. Бундан асло афсусланмайман. Бу йил ҳам иш куним шунга тўғри келди. Энг муҳими эса дилларида Янги йил орзулари тўлиб-тошиб, бир-бирини қутлагани ошиқаётган йўловчиларни бехатар ва вақтида манзилларига элтишдир. Албатта, уларнинг яхши кайфиятлари бизга ҳам ўз таъсирини ўтказади. Фурсатдан фойдаланиб, ҳамкасбларимни, барча ҳамшаҳарларимизни, пойтахтимиз меҳмонларини Янги — 2009 йил билан қутлайман. Ҳамиша йўлларимиз бехатар, дилларимиз нурафшон бўлсин.

● **Наргиза ТОҒАЕВА, алоқа оператори:**

— Бир неча йилдан буён шу соҳада меҳнат қилаётган бўлсам, одамларнинг дилларини бир-бирига яқинлаштиришга ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман. Мана бу йил ҳам 2008 йилдан янги — 2009 йилга ўтар кечаси ўз хизмат жойимда меҳнат қиламан. Бундан қувонмай бўладими? Негаки, юзлаб, минглаб одамларнинг бир-бирларига дил изҳорлари, янги йил табрикларини етказишда камарбаста бўламан. Ўйлайманки, шу куни фақат қувончли ва яхши хабарлар хонадонларни, дилларни хушнуд этади, эзгу ниятлар барчага ёр бўлади. Бир-бирингизни табрикланг, қувонтиринг, азизлар. Меҳр-оқибат асло қалбларни тарк этмасин. Биз эса сизларнинг хизматингиздамиз.

● **Дилфуза ОЛИМОВА, Меҳрибонлик уйи тарбиячиси:**

— Бу йилги байрамни мен учун қадрдон бўлиб қолган болажонлар даврасида нишонлайман. Уларнинг қувончларига шерик бўлиш, мунгли кўзларидаги ғамни бир зум бўлсада шодликка айлантириш, кемтик дилларига малҳам бўлишдан қувонаман. Чунки ўзим ота-онасиз ўсганман. Шунинг учун ҳам уларнинг кўнглидаги ўксикликни жуда яхши тушунаман. Аммо бугунги кунда Президентимиз ва ҳукуматимизнинг ана шундай ўғил-қизларга яратаётган шарт-шароитлари, ғамхўрликлари, саховатли инсонларнинг беминнат ёрдамлари, байрам совғалари болажонларга олам-олам завқ бағишлайди. Янги йилда барча болалар соғ-омон бўлишсин, ота-оналарининг иссиқ бағрида яшашсин.

*Янги йил мушоираси*

**Иқбол МИРЗО, Ўзбекистон халқ шоири**

## ЯНГИ ЙИЛ, ЯХШИ ЙИЛ

*Қор заррасин тутиб қололмас нигоҳ,*
*Гоҳ зарра нигоҳдан бағрим тилинди.*
*Қор ёғсин — ёпилсин изларинг, гуноҳ,*
*Янги йил яхши йил бўлиб кел энди.*
*Қорми — кул остида милтирайди чўғ,*
*Кетганлар жон узиб кетмаганлар, йўқ!*
*Сенга етганлар бор, етмаганлар йўқ,*
*Янги йил, яхши йил бўлиб кел энди.*
*Деҳқоннинг уйини тўлдир буғдойга,*
*Сабр бер мискинга, инсоф бер бойга.*
*Тинчлик, кўнгли тўқлик шоҳу гадойга,*
*Янги йил, яхши йил бўлиб кел энди.*
*Қирқ йилда бир йигит келар оламга,*
*Йигит юрагимни кўмма аламга.*
*Яна қирқ йил хизмат қилай онамга*
*Янги йил, яхши йил бўлиб кел энди.*
*Арчажон, юмшатгил игналарингни,*
*Кел, ташла, аразу гиналарингни.*
*Кўкка чиқай босиб зиналарингни,*
*Янги йил, яхши йил бўлиб кел энди.*
*Кўк тоқига ҳилолчироқ илинди,*
*Ёруғ ғуссаларга ошно дил энди.*
*Киприклар ҳам оппоқ, атиргул энди,*
*Янги йил, яхши йил бўлиб кел энди.*

## АССАЛОМ, ЯНГИ ЙИЛ ТОНГИ

*Онаман, ҳар лаҳза шукур айларман,*
*Сўзларга сўз ила таъсир айларман,*
*Мен сени бахт дея, тасвир айларман,*
*Ассалом, янги йил тонги.*
*Муҳаббат туфайли дунёга келдим,*
*У деб, бедор бўлдим, нурзода келдим,*
*Ибодатга келдим ҳам ёда келдим,*
*Ассалом, муҳаббат тонги.*
*Мустақил ўзбекман энди кун кўрдим,*
*Ёруғ кеча кўрдим, ёруғ тун кўрдим,*
*Йиқилсам суянгич бир устун кўрдим,*
*Ассалом, адолат тонги.*
*Навоийни ўқиб, титраган гулман,*
*Нақшбандий айтган ёр деган дилман,*
*Кор деган қўлману, Оллоҳга қулман,*
*Ассалом, зиёрат тонги,*
*Осуда яшасин ҳар битта инсон,*
*Ғафлат нелигини билма қадрдон,*
*Оққуш парвозига тўлсин осмон*
*Ассалом, ҳидоят тонги.*
*Гулларнинг нафаси уйғотсин сени,*
*Эзгулик ҳаваси уйғотсин сени,*
*Севгининг гул фасли уйғотсин сени,*
*Ассалом, саодат тонги.*
*Авлиёлар юртим саждагоҳ энди,*
*Адил ила ақл паногоҳ энди,*
*Ватан огоҳ энди, юрт огоҳ энди,*
*Ассалом, янги йил тонги!*

**Зулфия МЎМИНОВА**

# НАТИЖАЛАР САРҲИСОБ ҚИЛИНИБ, ИСТИҚБОЛЛАР БЕЛГИЛАНМОҚДА

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Германиялик ҳуқуқшунос ўзи раҳбарлик қилаётган жамғарма Ўзбекистоннинг бир қатор вазирлик ва идоралари билан самарали ҳамкорлик ўрнатганини мамнуният билан қайд этди. «Ўзбекистон бизнинг Марказий Осиё давлатлари орасидаги илк ҳамкоримиздир. Мамлакатингиз билан бўлган муносабатларимиз истиқболлари ёрқин эканига ишончим комил», — деди М.Веккерлинг.

«Европа-Берлин дўстлик жамияти» президенти доктор В.Фурманн мамлакатимизда «Ёшлар йили» доирасида амалга оширилган кенг кўламли ишларни алоҳида таъкидлаб ўтди. Жамоат арбобининг фикрича, Ўзбекистонда ҳар янги йилни маълум бир соҳага бағишлаш яхши анъанага айланган бўлиб, бу ташаббуснинг ижтимоий аҳамияти ниҳоятда баланд. Зеро бу — мамлакат олдида турган энг долзарб муаммоларни чуқур ўйланган тарзда ҳал этиш имконини беради.

«Ўзбекистон: мустақил тараққиёт ва янги марралар сари» мавзусига бағишланган давра суҳбати Токиодаги «Такушоку» университетида бўлиб ўтди. Учрашув Марказий Осиё ва Кавказни тадқиқ қилиш маркази, «Такушоку» университети ҳамда мамлакатимизнинг Япониядаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Тадбирда Кунчиқар мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий, академик доиралари вакиллари, университет талаба ва ўқитувчилари иштирок этди.

Қатнашчилар эътиборига Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар, мамлакатимизнинг сайёҳлик борасидаги салоҳияти, Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари юзасидан атрофлича ахборот берилди. Йиғилиш иштирокчилари томонидан мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга бўлган очиқ, демократик ва ҳуқуқий давлатни барпо этиш ҳамда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида жиддий натижаларга эришилгани таъкидланди.

Учрашувда, шунингдек, Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасига эътибор қаратилди. Бу хусусда гапириб, давра суҳбати иштирокчилари мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг ўзбек модели ўз самарасини намойиш этгани, у мамлакатдаги барқарорлик ва фаровонликни таъминлаб, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар кўламини янада кенгайтириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратаётганини қайд этишди.

Тадбир иштирокчиларига Ўзбекистон-Япония муносабатларининг ривожи хусусида ҳам атрофлича маълумот берилди. Жумладан, мамлакатларимиз энергетика, табиий бойликларни разведка қилиш ва қазиб олиш, транспорт, логистика ва халқаро туризм, кичик бизнес, банк-молия соҳасидаги иқтисодий ва инвестицион ҳамкорликни чуқурлаштириш учун етарли салоҳиятга эга экани таъкидланди.

Анжуманда сўзга чиққан Марказий Осиё ва Кавказни тадқиқ қилиш маркази раиси, профессор Т.Танака давра суҳбати иштирокчиларига Ўзбекистон тўғрисидаги тасаввурларини бойитиш ва республикада амалга оширилаётган сиёсий, демократик ва иқтисодий ислоҳотларнинг бориши билан танишиш учун яхши имконият берганини қайд этди.

Олимнинг фикрича, жаҳон молия инқирози Ўзбекистон иқтисодиётига таъсир ўтказмагани мамлакатни минтақанинг бошқа давлатларидан ажратиб туриб, Ўзбекистон молия тизимининг барқарорлиги ва республика хорижий инвесторларни ҳимоя қилиш учун барча имкониятларга эга эканидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига бағишланган давра суҳбати шу кунларда мамлакатимизнинг Исломободдаги элчихонасида ҳам бўлиб ўтди. Унда Покистон Сенати аъзолари, ушбу мамлакат етакчи университетларининг раҳбарлари, нуфузли ижтимоий ва сиёсий арбоблар иштирок этди.

Тадбир давомида қатнашчилар эътиборига мамлакатимизнинг мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиётига доир кенг кўламли ахборот ҳавола этилди.

Учрашувдан олган таассуротлари билан ўртоқлашар экан, Покистон Сенатининг ички ишлар бўйича қўмитаси раиси, «Покистон-Ўзбекистон» дўстлик жамияти президенти Маҳмуд Талха мамлакатимиз ўтган йиллар давомида салмоқли қонунчилик базасини яратгани ва унда нафақат давлат ва жамият қурилишининг халқаро тамойиллари, балки ўзбек давлатчилиги тараққиётининг тарихий тажрибаси ҳам ўз аксини топганини айтиб ўтди.

— Ушбу жараёнда Ўзбекистон Конституцияси ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг асоси, демократик ва конституцион тамойилларни мустаҳкамлашнинг кафолати бўлиб хизмат қилди, — деди покистонлик сенатор. — 2007 ва 2008 йилларда мен икки маротаба Ўзбекистонда бўлдим ва мамлакатингизда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш тизими, яъни маҳалла каби беқиёс ижтимоий институт билан ҳокимият бошқарув идоралари ўртасида яқиндан ҳамкорлик ўрнатилганига гувоҳ бўлдим.

Тадбир доирасида иштирокчилар эътиборига «Мустақил Ўзбекистон» мавзусига бағишланиб, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларининг маданий ва диний ёдгорликлари, Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти, ўзбек халқининг маданияти ва ҳозирги ҳаёти, юртимиз спортчиларининг ғалабаларини акс эттирган фотосуратлар кўргазмаси ҳавола этилди.

**«Жаҳон» АА.**



## ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР, ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

**ТОШКЕНТ ШАҲАР АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ**

*жамоаси*

*Сизларни бир олам қувончу шодлик билан кириб келаётган*

**Янги — 2009 йил байрами билан**

*муборакбод этади.*

Ишингизга ривож, оилангизга тинчлик-фаровонлик, ҳамиша соғлик-саломатлик тилаймиз.

Янги йилда ўйлаган барча орзу-ниятларингиз амалга ошсин!

## АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!



**Янги 2009 йил**

барчангизга қутлуғ бўлсин.

Сара ва тўлиқ дондан сифатли ун тайёрлаб бераётган саноатчилар, ширин-шакар пишириқлар ва хушбўй нонларни дастурхонларимизга етказаётган қандолатпазлар ва новвойлар — барчангизга Янги йилда бахт ва омад тилаймиз.

Юртимиз тинч ва фаровон бўлсин, байрамона кайфият халқимизни тарк этмасин!



**«ТОШКЕНТНОН» УЮШМАСИ ЖАМОАСИ**

## ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР, ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

*Янги—2009 йил*

*шодиёналари барчангизга муборак бўлсин. Дилингизга тугиб қўйган ҳамма эзгу тилакларингиз, орзу ниятларингизнинг 2009 йилда ижобат бўлишига тилакдошмиз. Йўлларингиз равон, ҳаётингиз фаровон бўлсин, азизлар!*



«ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ» УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

## ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Р-2146-сонли фармойишига асосан қуйидаги таълим муассасанинг вакант (бўш) бўлган директорлик лавозимига

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| № | Таълим муассасаси номи | Манзили |
|---|---|---|
| | Директорлик лавозимига | |
| 1 | Халқаро Вестминстер университети ҳузуридаги академик лицей | **Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй** |

Танловда олий маълумотли, камида 5 йил олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида педагог ҳамда раҳбарлик лавозимларида иш стажига эга бўлган, таянч олий маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1.Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига ариза;

2.Туман ҳокимлигининг тавсияномаси;

3.Сўровнома (справка — объективка);

4.Таржимаи ҳол;

5.Олий маълумот ҳақида дипломнинг нусхаси;

6.Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;

7.Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);

8.3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат;

9.Паспорт (нусхаси);

10.Тавсифнома;

11.Меҳнат дафтарчасидан нусха.

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй.

Тел: 252-23-30, 252-23-35.

*Республика «Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!*

**I. 2009 йил 3 феврал куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1.** Тошкент шаҳар Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 30.10.2006 йилдаги ЖСК-1-424/06-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани 8-мавзе, 2а-уй, 38-хонадонда сақланаётган, "Шевроле-Нива 21230L" русумли, д/р 30F0202 бўлган, 2005 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 5 225 000 сўм. **2.** Тошкент шаҳар Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 15.05.2008 йилдаги 10-0811/3554-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Тошкентлифт" трестига тегишли, Тошкент шаҳар, Олмазор кўчаси, 127-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари: – "ГАЗ-52" русумли, д/р 10АY387 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 119 670 сўм. – "ГАЗ-52" русумли, д/р 10AS132 бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 899 250 сўм. – "ГАЗ-5201" русумли, д/р 10АY389 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 5 837 800 сўм. – "ГАЗ-52" русумли, д/р 10АY392 бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 283 380 сўм. – "ГАЗ-93Б" русумли, д/р 10АY388 бўлган, 1970 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 548 980 сўм. – "ГАЗ-52" русумли, д/р 10AR092 бўлган, 1975 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 5 157 800 сўм. – "РАФ-2203" русумли, д/р 10АН680 бўлган, 1982 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 207 000 сўм.

**II. Шунингдек 2009 йил 20 январ куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда. 1.** Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Сергели туман судининг 20.08.2008 йилдаги 1-748/02-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, А.Темур кўчасидаги Дэу Автосервис 2-боксида сақланаётган, "Опель-Омега-А" русумли, д/р 10О0525 бўлган, 2000 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 12 012 800 сўм. **2.** Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 25.12.2006 йилдаги 1-1020/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, ЖИБ Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман суди ҳудудида сақланаётган, "ГАЗ-31029" русумли, д/р 30V7721 бўлган, 1992 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 453 498 сўм.

Автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузилган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО:00901, ИНН:200933850, ҳ/р:20210000500571452105. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. **www.rkmb.uz**

Савдоларга марҳамат!

# ЯНГИ ЙИЛ ҲАНГОМАСИ

**Ҳажвия**

Янги йил яқинлашди дегунча хомуш тортаман. Ўн йилдирки, аҳвол шу! Ўн йил-...айтишга осон! Тубсиз жардек охири кўринмаётган «кандидатлик» эса шунча вақтдан буён аччиқ ичакдек чўзилади. Чўзилишига сабаб эса...Э, ўша куннинг падарига минг лаънат!

...Дипломни қўлтиқлаб илмий-текшириш институтига келган жўжахўрозман: юриш — ғоз, туриш — ғоз, салда «кандидат наук» бўп қолсак, ана унда кўрасиз — биздан зўри бўлмайди бу дунёда!..

Лекин Янги йил зиёфати жаннатмакон орзуларнинг белига тепди.

Ўша куни ишдан чиқиб ҳамкасбларим Обид мечкай, Тансиқ тарс-турс билан айтилган ресторанга узун-қисқа бўлиб чўзилишиб кириб бордик. Гардеробда битта ҳам бўш илгак қолмабди. Амаллаб пальтомни бир илгакка, телпакни бошқасига қўндирдим. Ўтиришимиз билан «косагул» кечикканларга «штраф» деб бизни «сийлай» кетди. (Э, у вақтлар арoқ жонивор ҳам сероб эди, арзон эди.) Бир вақт кайфи ошган Обид мечкай беш йилда, Тансиқ тарс-турс кўзларини сузиб уч йилда ёқлаб ташлайман, деб гапира бошлашди. Бу гаплардан менинг ҳам хаёлим қочиб ўтиргандим «тарс-турс» биқинимга секин туртди. «Кетдикми? Залда биз-у Моҳир акамлар тўпи қопти холос».

Моҳир ака — домламиз, ундан-да кейин қолсак, уят! Турдик. Илгакдан амаллаб пальтомни топиб кийдим, лекин телпак қурмағур йўқ. Шу излайман, на илгакда кўринади, на еру кўкда. Яхши танирдим — талабаликдан ёдгор арзон-гаров, қуёнжун, асли қорамтир бўлса-да, сарғайиб, четлари соч ёғидан ялтираб қолган бечораҳол бир телпак эди у. Келиб-келиб «Камбағални туянинг устида ит қопиб» шу «камтарин» телпакка «харидор» чиққанини! Болаларга айтай десам кулишади, шундай кетворай десам ташқари совуқ — чақади, олим бўладиган бошни асраш керак. Бир томони Тошкентда мусофирмиз, ойлик ҳам ҳаминқадар... Лекин меникини кийган одам ўзиникини қолдиргандир. Ахир шу қаҳратонда ким бетелпак юради! Ана илгакда уч-тўрттаси турибди-ку! Кўпи меникидақа, қуёнжун. Таваккал... Шартта бирига қўл чўздим. Кийсам сал каттароқ, алмаштирай десам шубҳа туғилади.

Хуллас, ўша куни совуқ зўриданми ёки бегона телпак ётсираб бизнинг бошни ҳимоялагиси келмадими шамоллаб қолибман. Ҳафта ўтиб ишга бордим. Хонага киришим билан Обид мечкай соғлиғимни сўраш ўрнига пишиллаб олдимга келиб, дабдурустдан:

— Иш чатоқ! — деди.

— Нега?

— Бир ҳафтаки, «шеф»нинг кайфияти йўқ. Тепакалини қашийвериб бор сочини ҳам тўкворди.

— Тинчликми?

— Янги йил ўтиришида телпаги йўқолибди. Борганларнинг барчасиникини кўриб чиқди. Фақат сизники қолди.

— Қанақайди телпаги? — дедим бўшашиб.

— Э, қизиқмисиз, шуниям сўрайсиз-а. Илмий ходимники қанақа бўларди, сизникидақа оддий, қуёнжун. Кўргансиз-ку!

— Хайрият-э, оддий экан, мен «ондатра»ми дебман.

— «Ондатра» бўлганда мелисага хабар берарди. Бироқ оддийси ҳам қишда топилмайди. Кейин «шеф»ни биласиз-ку, пишиқ. Бир тийинни қирқ жойидан тугади. Бошига ортиқча сарфлармиди? Бошини авайлаганда сочи тўкилмасди. Шу совуқда шляпада юрибди.

— Ечиниб, пальтони ва телпакни бурчакдаги илгакка илдим. Шу пайт хонага Тансиқ тарс-турс кириб келди. У ҳайтовур сўрашди-ю, сўнг тўғри бориб, мен ечган телпакка қўл чўзди. Узоқ айлантириб кўргач:

— Худди ўзи, — деди.

— Валдирама, — дедим мен асабий. — Одам одамга ўхшайди-ю, бу телпаг-а...

— Мана, бир қулоғининг тангадек жойида жуни кўчган, иккинчисининг ипида тугуни бор, аниқ «шеф»ники, ўласиз энди!

— Алмашгандир-да, — дедим сир бой бермай.

— Шу вақт остонада «шеф»нинг ўзи кўринди: ялангбош, тепакали ёмғирда қолган чимсиз стадиондек ялтирайди.

— Суюнчи беринг, Моҳир ака! — дея Тансиқ тарс-турс қўлидаги телпакни унга узатди. «Шеф» олдин телпакка, кейин менга совуқ тикилди.

— Ўзингизники қани?

— Ўша куни алмашибди...

— Кўзингиз қаёқда эди? Кўз бўлмаса пешона, каллани ишлатиш керак!

«Шеф» телпакни олиб чиқиб кетди.

— Тамом бўлдингиз, — бидирлади Тансиқ менга қараб. — Моҳир акам гиначи, кечирмайди энди. Агар шу ерда ёқлайман десангиз узр сўранг. Лекин биласиз, қуруқ гап қулоққа ёқмас...

— Мен атайин қипманми?

— Барибир, — Обид мечкай гапга қўшилди. — Тансиқ тўғри айтяпти. Шу ерда ёқлайман десангиз кириб кўнглини олинг.

Хуллас, эрталабдан юракка чигил тушди. Тушликка бирга борган бўлсак-да, домлам менга бир оғиз гапирмади. Бу кетишда ростдан ҳам ишлар чатоқ бўлади, шекилли...Тушдан кейин секин Тансиққа ёрилдим.

— Олдига киринг! Телпак ваъда қилинг, яхшироғидан, масалан, «ондатра». — Унинг маслаҳати шу бўлди.

— Юрагим дук-дук урганча «шеф»нинг хонасига кириб бордим.

— Кечиринг, домла, — дедим у ўтирган стул рўпарасига яқин келиб, — сизникилигини билмабман, ўлай агар.

— Кўз нимага берилган? Ёки пўстакнинг йиртиғими у?

— Кечиринг...

«Шеф» индамади. Борлиғим музлаб кетди. Тансиқнинг гапини эсладим.

— Сизга Худо хоҳласа битта қулинг ўргилсин «ондатра» телпак совға қиламан, — дедим ўз ёлғонимдан ўзим ўнғайсизланиб.

— Совға эмиш... — «Шеф» қошини чимирди. — Бошимдагини қайта олиб қўймасангиз ҳам катта гап. Кўрамиз ҳали.

Лекин шу-шу «шеф» билан орамиз илимади.

Хуллас, орадан ўн йил ўтди. Обид ёқлади. Тансиқнинг иши тайёр, яқинда дастлабки муҳокамадан ўтди. Меники эса ҳамон аччиқ ичакдай чўзилади, охири кўринмайди. Эсласам юрагим сиқиладиган бўп қолдим. Валидол ичяпман. Ҳаммасига ўша телпак сабабчи...Шунча йил ўтибди-я! Ҳар қиш яқинлашса «ондатра» ҳақида ўйлайман. Аммо у Зуҳро юлдузидек олисда, сира етишиб бўлмайди. Ахир кичик илмий ходимнинг маоши ўзингизга маълум. Бу пул деганнинг ҳам вафоси йўқ экан, ваъдани пуч қилди. Сира ортмайди-я! Эҳ-ҳе, бу ўн йил ичида қанча-қанча битмаган ишлар битиб кетди, уйландим, шаҳардан уй олдим, яшаш ҳам бир нав — ойлик етмай ҳамон уйдан пул олиб тураман. Бунисига ҳам чидаса бўлади. Пешона-да, шўрроқ экан. Барибир минг қилса ҳам мендан иқтисодчи чиқмади — «ондатра» учун орттиролмадим.

Мана яна янги йил яқинлашяпти, қани энди ҳеч бўлмаса шу йилги ўтиришда «шеф»нинг ранги ўчиб битган «қуёнжуни»ни билмасдан «ондатра»га алмаштириб қўйсам дейман. Шунда «шеф» кечирарди ва олам гулистон бўларди. Бу гулистон олам эса яна битта олим билан бойирди. Пул қани унга! Бевафо пул!..

**Адҳам ДАМИНОВ**

*Тошкент шаҳар Хўжалик судининг **2008 йил 22 декабрдаги** ажримларига асосан қуйидаги корхоналарни **банкрот** деб эътироф этишга оид иш юритилиб, уларга нисбатан кузатув жараёни бошланди.*

| № | Корхона номи | Мақоми | СТИР | Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами | | ОКПО | Хўжалик судининг ажрим рақами | Мувaққат бошқарувчи | Банкротлик иши қуйидаги кунда ва соатда кўрилади | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | YAKKA QURILISH PLUS | МЧЖ | 300682569 | 16.01.08 | 002983-03 | 22217898 | 10-0813/16822 | А.Ж.Карабаев | 05.01.09 | 14:00 |
| 2 | KARMA PLUS | МЧЖ | 300703739 | 04.02.08 | 003025-03 | 22218202 | 10-0813/16823 | А.Ж.Карабаев | 05.01.09 | 14:00 |
| 3 | ELEKTRO ELIS MENENS | МЧЖ | 206853456 | 26.03.07 | 002426-03 | 21648768 | 10-0813/16824 | А.Ж.Карабаев | 05.01.09 | 14:00 |

Кредиторларнинг йиғилиши **2009 йил 5 январда** соат 10-00 да ўтказилади. Кузатувга оид ишлар қуйидаги манзилда давом этмоқда: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, ДСИ биноси, Нукус кўчаси, 23а-уй, 607-хона

Банкротлик иши **2009 йил 5 январда,** соат 14-00 да, Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 6-уй, 4-сонли суд залида,

Тошкент шаҳар хўжалик суди биносида (судья Г.М.Таирова томонидан) кўрилади.

*Тошкент шаҳар Хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан* **БАНКРОТ** *деб топилган ҳамда у нисбатан тугатишга доир ишлар бошланган корхона рўйхати*

| № | Корхона номи | Мақоми | СТИР | Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами | | КТУК (ОКПО) | Хўжалик судининг «БАНКРОТ» деб топилган қарор рақами ва санаси | | Тугатиш бошқарувчи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | ABINA TRADE PLUS | МЧЖ | 300538563 | 13.08.07 | 002716-03 | 22016088 | 10-0821/15320 | 19.12.08 | С.Абдураҳимов |

Мазкур корхонанинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари,шунингдек белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Кредиторлар йиғилиши **2009 йил 12 январда** ўтказилади. Банкротликка оид тугатиш ишлари давом этмоқда. Кредиторлар даъволари эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 23а-уй, 607-хона.

## ЎЗБЕКИСТОН-ЖАЗОИР:

# ИЗЧИЛ ҲАМКОРЛИК АСОСЛАРИ

**МАМЛАКАТИМИЗДА ЖАЗОИР ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ ХАЛҚ АССАМБЛЕЯСИ ДЕПУТАТИ АБДУЛҚОДИР БУНЕКРАФ БОШЧИЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ МЕҲМОН БЎЛДИ.**

Ташриф доирасида Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Савдо-иқтисодий палатасида учрашувлар бўлиб ўтди.

Жазоир Халқ Республикаси Африка қитъасининг шимолида жойлашган. Мамлакат Тунис, Ливия, Марокаш, Мавритания, Нигер, Мали ва Ғарбий Сахара билан чегарадош, аҳолиси 33,7 миллион киши. Жазоир иқтисодиётида нефть-газ саноати етакчи ўрин эгаллайди. Шу билан бирга мамлакатда тоғ-кон, енгил ва озиқ-овқат саноати фаол ривожланиб бормоқда. Расмий маълумотларга кўра, Жазоир нефть қазиб олиш бўйича дунёда 14-ўринда, газ қазиб олиш бўйича эса 7-ўринда туради. Айни пайтда мамлакат бюджетининг 60 фоизи, ЯИМнинг 30 фоизи, экспорт даромадларининг 95 фоизи ана шу икки соҳа ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси билан Жазоир ўртасидаги дипломатия муносабатлари 1992 йилда ўрнатилган. Бугунги кунда жўғрофий жиҳатдан бир-биридан анча олисда жойлашишига қарамасдан, икки мамлакат ҳам турли соҳалар, жумладан, парламентлараро икки томонлама муносабатларни ривожлантириш борасида эътиборга молик саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Жазоир делегациясининг мазкур ташрифи ушбу соҳадаги муносабатларни кенгайтиришнинг янги имкониятларини очиб, келгусида сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришга туртки беради.

Мамлакатларимиз таълим, фан ва маданият соҳаларидаги ҳамкорлик борасида ҳам бирмунча тажрибага эга. Турли йилларда юзлаб жазоирлик талабалар Ўзбекистон олий ўқув юртларида таҳсил олган.

Жазоир Ўзбекистоннинг ислом цивилизациясига қўшган ҳиссасини юқори баҳолайди. 2007 йилда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтган Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинишига бағишланган "Ўзбекистоннинг Ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси" мавзуидаги конференцияда Жазоир вакиллари ҳам иштирок этган.

Ташриф давомида Жазоир делегацияси раҳбари Абдулқодир Бунекраф «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда бўлди.

«Ўзбекистон парламентининг таклифига биноан юртингизга ташриф буюриш имконига эга бўлганимиздан мамнунмиз, — деди жазоирлик депутат. — Ушбу ташриф бизга Ўзбекистоннинг замонавий ҳаёти билан яқинроқ танишиш имкониятини берди. Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлардан кўп асрлик тарихга эга эканидан далолат берувчи маълумотлар талайгина. Жазоирликлар Ўзбекистонни Имом ал-Бухорийнинг ватани сифатида яхши билишади ва юртингиз халқига чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлишади. Шу билан бирга Амир Темур давлати тарихини ёзган ўрта асрларнинг таниқли тарихчиси Ибн Холдун жазоирлик бўлган. Бизни ягона дин, ўхшаш анъаналар яқинлаштириб туради. Бу эса, ўз навбатида, келгусида мамлакатларимиз ўртасидаги кўп томонлама муносабатларни ривожлантиришнинг асоси бўлади.

Ўзбекистон билан Жазоир БМТ ва Ислом конференцияси ташкилоти доирасидаги кўпгина минтақавий ва халқаро масалалар бўйича ўхшаш ёндашувларга эга. Шу маънода мамлакатларимизнинг минтақавий ва халқаро сиёсат соҳаларидаги долзарб масалалар бўйича ўхшаш нуқтаи назарга эга экани музокаралар жараёни ҳамда делегациялар алмашишни фаоллаштириш имкониятини беради.

Бизда конструктив сиёсий мулоқотни йўлга қўйиш ва савдо-иқтисодий алоқаларнинг самарали моделини яратишга тўсқинлик қиладиган омиллар йўқ. Бўлиб ўтган учрашувлар чоғида биз мамлакатларимиз ўртасида муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш ва янги ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш борасида ҳали фойдаланилмаган салоҳият мавжудлигига амин бўлдик. Ўзбекистон хорижий сармоядорлар учун кенг шарт-шароитлар яратилган, улкан иқтисодий имкониятларга эга бўлган мамлакатдир. Фикримча, мамлакатларимизнинг тажрибасини инобатга олган ҳолда нефть ва газ соҳасида ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш савдо-иқтисодий ҳамкорлигимизнинг муҳим бўғинларидан бири бўлади.

Биз мазкур ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги узоқ муддатли ва аниқ мақсадларга йўналтирилган муносабатларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади, деб умид қиламиз».

**Зафар АБДУҒАФФОРОВ, «Жаҳон» АА**

---

**НИҲОЯСИГА ЕТИБ БОРАЁТГАН МАЗКУР ЙИЛНИНГ «ЁШЛАР ЙИЛИ» СИФАТИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛИШИ ЁШ ИҚТИДОР ЭГАЛАРИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РАҒБАТЛАНТИРИШДА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИНИ ОЧИБ БЕРДИ.**

# МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ АНЖУМАН

Республика болалар бадиий ижодиёти марказида ўтказилган "Ўзбекистонда миллий халқ амалий санъатининг тикланиши, ривожланиши ва унинг ёш авлодни тарбиялашдаги тутган ўрни" мавзуида илмий-амалий, ўқув семинарида айни шу фикр доирасида сўз юритилди.

Унда шаҳримиздаги мактабдан ташқари таълим муассасалари тўгарак раҳбарлари, халқ амалий санъати усталари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тадбирни Халқ таълими вазирлигининг маънавий-маърифий ва ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи У.Эгамбердиев кириш сўзи билан очар экан, истиқлол йилларида муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси билан ёшлар камолотига хизмат қиладиган замонавий қулайликлар яратилаётгани, илм-фан ютуқларининг ҳаётга жорий этилаётгани келажагимиз ворисларининг истиқболида янги саҳифалар очилишига хизмат қилишини таъкидлади.

Шундан сўнг шарқшунос олима М.Юнусхўжаеванинг "Тарих ва замон", Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, санъатшунослик фанлари номзоди Ш.Шоёқубовнинг "Ўзбекистонда миллий халқ амалий санъатининг тикланиши, ривожланиши ва унинг ёш авлодни тарбиялашдаги тутган ўрни", республика "Ҳунарманд" ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси М.Қурбоновнинг "Соҳани юксалтиришда ўзаро ҳамжиҳатлик", таниқли этнограф олим Билол Аминовнинг "Воҳаларнинг ўзига хос этник хусусиятлари ва ҳозирги даврдаги аҳамияти" мавзуларидаги маърузалари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

– Халқ амалий санъатининг истиқболи ва унинг ёшлар маънавиятини юксалтиришдаги аҳамияти бекиёс, – дейди Республика болалар бадиий ижодиёти маркази раҳбари Санобар Шодиева биз билан суҳбатда. – Негаки мурғак қалб соҳиблари кўнглида куртак отиб келаётган истеъдод ғунчалари санъат дунёсининг рангин олами билан уйғунлаша олсагина келгусида улардан катта ютуқлар кутишга умидвор бўлиш мумкин.

Анжуман давомида таъкидланганидек, ёш иқтидор эгаларининг қобилиятини ўстириш мақсадида Ўзбекистон Бадиий академияси билан узлуксиз алоқалар ўрнатиш, масофавий мулоқот асносида бадиий ижодиётнинг кенг кўламли моҳиятини чуқурроқ сингдириш, ижодий изланишларга профессионал ёндашишни таъминлаш сингари кенг қамровли масалаларга эътибор қаратиш лозим. Бундан ташқари энг мукаммал яратилган ижодий ишларни санъат арбоблари, таниқли усталар, атоқли рассомлардан иборат бадиий кенгашга тақдим этиш каби жиҳатлар ҳам йиғилиш иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

Маърузалар юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ниҳоясига етгач, иштирокчилар амалий санъат йўналишидаги секцияларга бўлиниб, марказнинг иқтидорли ўқувчилари томонидан тайёрланган "Устозим – фахрим" номли кўргазмаси ва ижодий студиялар фаолияти билан яқиндан танишдилар. Айниқса, Ўзбекистон халқ рассоми Ортиқ Файзуллаев ва шогирдлари Ш.Шообидов, Э.Жалолов иштирокидаги амалий санъатга доир, Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси Б.Йўлдошев раҳбарлигидаги, шогирдлари Ж.Низомқориев, Ч.Исмоиловалар иштирокидаги ва бошқа санъат йўналишидаги студиялар ҳақида илиқ фикрлар билдирилди.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

---

*2008 йил — тақдиримда*

# ОРЗУЛАР РЎЁБИ

— Инсон бу ёруғ жаҳонда кўнглида бир илинж, умид билан яшайди. Кимдир эртаси, кимдир эса бугуни билан овора. Атрофни кузатиб туриб миллион-миллион одамлар орасида ўзингизнинг муносиб ўрнингизни, изингизни қолдиришингиз учун анча ҳаракат қилишингиз лозим. Бизда эса шу қирраларимизни очиш учун ҳамма имконият бор. Тўғри, биз учун ҳамма имкониятлар эшиги очилган деймиз, лекин у фақат тилда эмас, балки амалда ўзимизнинг ишларимиз, фаоллигимиз билан намоён бўлиши керак.

Бахт тушунчасини ҳар ким ҳар хил тушунади. Мен эса бу туйғуни шу ҳаётда борлигимнинг ўзи бир бахт деб биламан. Чунки, дунёга келишимизнинг ўзи яратган томонидан берилган энг катта инъом. Унда қандай яшаш фақат ўзимизга боғлиқ. Бугун ҳаётимнинг энг гуллаган дамлари. Умримнинг 18 баҳори. Ортга қарасам ҳали ҳеч қанча йўл босиб ўтмаганман. Лекин ундан ўзим учун жуда катта сабоқлар олиб келяпман. Мана янги йилни қарши олиш арафасида турибмиз. Бир олам янги орзулар, мақсадлар, режалар... Ўтаётган йилни сарҳисоб қилиб кечаётган йилларим бесамар кетмабди, деб ўйлаб қоламан. 2008 йил... Ҳа бу йил чиндан ҳам жуда ажойиб кечди. Кўп ёшларимизни кузатсак, 2008 йил мобайнида анча ютуқларни қўлга киритганликларини таъкидлашади. Анча катта ишлар амалга оширилиши йил бошида айтилган эди ва бу йил якунига бориб ўз тасдиғини топди. Мен ҳам айнан Ёшлар йилида Зулфия номидаги Давлат мукофотига адабиёт йўналиши бўйича совриндор бўлдим. Қолаверса, ўзим танлаган олий ўқув юртининг талабаси бўлдим. Омад келса қўш-қўш келади деганлари рост экан. Бир эмас иккита грант асосида ўқишга қабул қилиндим. Мен учун бундан ортиқ бахт йўқ. Мана менга юртимнинг, Мустақилликнинг ва Юртбошимизнинг инъом этган тухфаси.

Чиндан ҳам келажак бизнинг қўлимизда. Юртбошимиз таъбирлари билан айтганда «Ёшларимиз эртанги ва бугунги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир». Бугун мана шу ниҳолларнинг эртаси бақувват, илдизи мустаҳкам бўлиши учун жуда катта эътибор билан парвариш қилинмоқда. Баъзан унинг парвариши фақат атрофдагиларга эмас, балки ҳар кимнинг ўзига ҳам боғлиқ бўлар экан. Яъни билдирилган ишонч ва қаратилган эътиборни оқлаш, унинг самарасини кўрсатиш бизнинг энг катта мақсадимизга айланиши лозим.

Янги 2009 йилда ҳам орзу-умидларим бисёр. Истардимки, янги йил барчамиз учун қутлуғ, омад ва ютуқларга бой йил бўлсин, юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон бўлсин.

**Юлдуз ФАЙЗИЙ,**
**ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети 1-босқич талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори**

---

*Таълим*

# МЎЪТАБАР КАСБ ЭГАЛАРИ

**ҲАР БИР КАСБНИНГ ЎЗИГА ЯРАША ЗАВҚИ, МАСЪУЛИЯТИ, ЗАҲМАТИ БЎЛАДИ. ЎҚИТУВЧИЛИК АНА ШУ КАСБЛАРНИНГ ЭНГ ШАРАФЛИСИ, ШУНИНГ БАРОБАРИДА ЭНГ МАСЪУЛИЯТЛИСИ ҲАМДИР. ИНСОННИ БОЛАЛИК ЧОҒИДА БОШЛАНҒИЧ ИЛМ ЙЎЛЛАРИГА ЕТАКЛАШДА МУАЛЛИМ ЗИММАСИДА УЛКАН МАСЪУЛИЯТ, ШИЖОАТ ВА ЧУҚУР ИЗЛАНИШЛАР ЁТАДИ.**



Мактаб остонасига илк қадам қўйган мурғак болани шу муҳитга кўниктириб, унга ҳарфлардан бекиёс маъноларни кашф қилдира олиш шубҳасиз, ўта машаққатли вазифадир. Ҳар бир ўқувчисини эъзозлаб, меҳр улашаётган устозларни кўриб шарафли ишларига бор куч ва маҳоратларини сарф этишаётганига амин бўламиз. Учтепа туманидаги 106-мактаб жамоаси ҳам ўзининг узоқ йиллик фаолияти давомида таълим-тарбияни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшганлигини алоҳида қайд этиш жоиз. Режага кўра барча таълим масканларида бошланғич таълим фан ойлиги ўтмоқда, биз мактабга борганимизда бошланғич синфларда анъанавий саводхонлик байрами (Конституция кунига бағишланган «Бахтимиз –қомусимиз» мавзуида тарбиявий соатни ўтказишганди ой бошида) 1«В» синфи ўқувчилари устозлари Манзура Назарова (ушбу мактаб битирувчиси, ҳозирда 20 йиллик иш стажига эга ўқитувчи) бошчилигида таълим ва тарбия олиш билан бирга, таёргарлик кўришяпганда ҳамда мактаб ҳаётида фаол қатнашишмоқда.

— Миллий дастур амалда, — дейди биз билан суҳбатда мактабнинг ёш, изланувчан директори Равшан Шукуров, — ота-боболаримиз қадим-қадимдан бебаҳо бойлигимиз бўлмиш илму маърифат ва таълим-тарбияни инсон камолоти ҳамда миллати равнақининг энг асосий шарти ва гарови деб билгани бежиз эмас. Бинобарин, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ. Айниқса, бу борада фарзандларимизга бериладиган бошланғич таълим ва тарбиянинг ўзаги ҳамда асосий пойдеворидир. Пойдевор эса қанча мустаҳкам бўлса, бино ҳам шунчалик мустаҳкам қад ростлайди.

Шу маънода бизнинг аҳил-иноқ жамоамиз тажрибали, маҳоратли, ҳар томонлама ибрат олса арзигулик устоз-мураббийлар, ёш, изланувчан, ташаббускор ўқитувчиларимиз ҳамжиҳатликда ҳозирда 1271 нафар ўқувчиларга икки навбатда замон талаблари даражасида таълим-тарбия беришмоқда. Мактаблар имконияти ва фаолияти мустақиллик йилларида қайтадан намоён бўлди: моддий-техника базаси яхшиланди — бу таълим-тарбия ҳамда машғулотларни замон талаби даражасида олиб бориш учун кенг имкониятлар эшигини очди. Компьютер, лингафон, ўқув-лаборатория жиҳозлари билан тўла таъминланган фан кабинетлари таълим-тарбияда сифат ва самарадорликни оширишда замин ҳозирлаб, ўқитувчиларнинг ўз тажриба ва маҳоратларини янада кенгроқ намоён этишлари учун шарт-шароит яратди.

Мазкур таълим муассасасида ҳам ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг ўз фаолиятларига ижодий ёндошишлари, улар орасида ташаббускорликни ошириш ва ижодий муҳитни шакллантириш юзасидан самарали ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, ўқувчиларнинг билим олишлари, таълим-тарбиясига бағишланган синфдан ташқари ўтказиладиган ноанъанавий тадбирлар, истеъдодли ва иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш тизими, уларнинг кўрик-танловлар, фан олимпиадаларида қатнашиш самарадорлиги, касбга йўналтирилган ишларнинг натижаси, «Оила — маҳалла — мактаб» концепцияси мавзуларида олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ.

Масалан, яқинда мактабда туман миқёсида семинар ўтказилди, унда ушбу мактабнинг ўқитувчиси Дилфуза Абдуғаниеванинг иш тажрибаси тажриба-синов тарзида ҳамкасбларига тавсия қилинди ҳамда қатнашчилар томонидан эътироф этилди. Бу борадаги фикрлар ўртага ташланиб, ижодий баҳс-мунозара шаклида очиқ мулоқот ўтказилди. Жумладан, ўқитувчилардан Марғуба Исамуддинова (халқ маорифи аълочиси), Шоиста Абдуллаеваларнинг муаллифлик ўқув қўлланмалари ҳозирда нафақат пойтахтимиз, балки республика вилоят мактабларида самарали қўлланилмоқда...

Ўз устида доимий ишловчи, заҳматкаш педагоглар бошланғич синфларда таълим ишлари бўйича директор ўринбосари Ўктам Икромова, юқори синфларда таълим ишлари бўйича раҳбар ўринбосари Рихси Ёрматова, ўқитувчилардан Дилдора Ҳусанхўжаева (2007 йилда «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловининг туман босқичида биринчи; шаҳар босқичида 3-ўрин соҳиби), Гулноза Исломова, Маъсуда Алимова, Нодира Сиддиқова, Насиба Умарова, Мавлуда Аюбовалар жамоанинг алоҳида ҳурматига эга бўлиб, ўқувчиларнинг ҳам меҳрини қозонган.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТДА: 106-мактаб ҳаётидан лавҳа.**

---

*2008 — Ёшлар йили*

# «КАМОЛОТ» ТУҲФАСИ

**ЮРТИМИЗНИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДА ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИНИ МУНОСИБ НИШОНЛАШГА ҚИЗҒИН ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА. «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ҲАМ БУ БОРАДА НАВҚИРОН АВЛОДГА ЎЗИГА ХОС БАЙРАМ ТУҲФАСИ ҲОЗИРЛАДИ: ЁШЛАРГА АТАЛГАН ЯНГИ ЙИЛ ЛОЙИҲАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ.**

Бундан кўзланган мақсад фарзандларимиз Янги йил байрамини кўтаринки руҳда, мароқли нишонлаши учун зарур шароит яратиш, ўқувчиларнинг қишки таътил кунлари мазмунли ўтишига кўмаклашиш, ёшлар ўртасида дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашдан иборатдир.

Лойиҳага биноан 25 декабрдан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Камалак» болалар ташкилотининг жойлардаги тузилмалари етакчилигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида байрам тадбирлари бошланди.

Ана шундай тадбирлардан бири Республика болалар ижтимоий мослашув марказида ўтказилади. Томошага йиғилган болаларга хилма-хил саҳна кўринишлари, кўргазмали чиқишлар ва мусиқий дастур намойиш этилади.

27-30 декабрь кунлари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида бўлиб ўтган «Янги йил қутлови» лойиҳаси доирасидаги тадбирларга пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилаларнинг уч юз нафардан кўпроқ фарзанди жалб этилди. Улар «Марварид» болалар бадиий гуруҳи томонидан саҳналаштирилган мусиқий дастурларни томоша қилиб, турли хил маданий-маърифий тадбирлар ва викториналарда иштирок этдилар. Тадбир қатнашчиларига «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг совғалари тақдим этилди.

2-9 январь кунлари мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёядиган «Кўчма арча» лойиҳаси болажонларнинг ҳақиқий байрамига айланади. Шу кунлари маҳаллалар ва қишлоқларда арча байрами, ёшлар карнавали, кам таъминланган оилалар фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари ва мактаб интернатлар тарбияланувчилари иштирокида турли хайрия тадбирлари ташкил этилади, кўмак ва меҳр-эътиборга муҳтож болалар ҳолидан хабар олинади.

Республика «Камалак» болалар ташкилотидан маълум қилишларича, 10 январга қадар давом этадиган ушбу байрам тадбирлари доирасида мамлакатимиз бўйича эллик минг нафарга яқин болани қамраб олиш режалаштирилган.

**Б.ХИДИРОВА, ЎзА мухбири**

---

*Иқтисодиёт*

# ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСАДИ

**ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАРНИНГ ЎЗИМИЗДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАНИ ИЧКИ БОЗОРНИ СИФАТЛИ ТОВАРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА. ЭНГ МУҲИМИ ЭСА БУНДАЙ МАҲСУЛОТЛАР ХАРИДОР ТАЛАБИНИ ҚОНДИРМОҚДА.**

Ўзларининг мебель маҳсулотлари билан харидор талабини қондираётган ва бунинг учун имкониятлардан оқилона фойдаланаётган «DAVR SHAMS JIHOZ» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари бугунги кунда хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга ҳам саъй-ҳаракатни бошлаб юборишди.

Тадбиркорлар тайёрлаётган ошхона, идора мебель жиҳозлари Туркия ва Россиядан келтирилган дастгоҳлар асосида ишлаб чиқарилмоқда. Мазкур замонавий техникалар қуввати ва тажрибали мебелсозларнинг маҳорати Европа стандартлари даражасидаги маҳсулот тайёрлашга эришишда катта ҳисса бўлмоқда.

— Келгусида россиялик ҳамкорларни жалб этган ҳолда қўшма корхона очишни ҳам режалаб турибмиз, — дейди корхона раҳбари Бахтиёр Шокиров. — Шунингдек, Хитой давлатидан янги дастгоҳлар келтириш асосида юмшоқ мебель тўпламлари тайёрлашни ҳам йўлга қўямиз. Ҳозирда болалар учун ҳам мебель маҳсулотлари тайёрлаб, уларнинг дизайни ва мустаҳкамлигига алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

Ишлаб чиқаришни изланиш асосида кенгайтириш, маҳсулот турларини оширишга ҳаракат қилаётган тадбиркорлар яқин келгусида ёшлар учун 20 та ишчи ўринлари яратишни кўзда тутишган. Шунингдек, Президентимизнинг касаначилик ҳақидаги Фармони ижросига ҳисса қўшиш ниятида 10 нафар фуқарони касаначилик асосида иш билан таъминлаш режалаштирилмоқда.

# АҲОЛИ ДАСТУРХОНИГА

**АҲОЛИ ДАСТУРХОНИНИ СИФАТЛИ ВА БЕЖИРИМ ҚАДОҚЛАНГАН ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ТАДБИРКОРЛАРИМИЗ КАТТА ҲИССА ҚЎШИШМОҚДА.**

Ана шундай тадбиркорлик билан фаолият юритаётган «Аброров У.С» кичик корхонасида бугунги кунда 10 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг самарали ишлари эвазига маҳаллий хом ашёдан, яъни гўштни қайта ишлаш йўли билан 33 хил колбаса ва бошқа гўшт маҳсулотлари харидорларга етказиб берилмоқда.

— Уларни тайёрлашда албатта, сифатини ошириш, талабга жавоб беришига эришиш мақсадида замонавий технологиялардан фойдаланамиз, — дейди хусусий тадбиркор Убайдулла Аброров. — Россия давлатидан гўштни қайта ишлашга мўлжалланган ва қадоқловчи дастгоҳ келтириб ўрнатганимиз маҳсулот турларини харидор дид ва эҳтиёжи асосида кўпайтириш, сифатини ошириш имконини бермоқда. Асосий хом ашёни Жиззах вилоятидаги фермер хўжаликларидан шартнома асосида оламиз. Йилига 15 тонна маҳсулот тайёрлаш имкониятига эгамиз.

Хусусий тадбиркор талаблардан келиб чиққан ҳолда келгусида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ёшларни ишга жалб этишни режалаштирмоқда. Бунинг учун эса Австриядан янги ишлаб чиқариш линияси келтирилади, колбаса ва сосиска маҳсулотларининг қадоқланишига эътибор янада кучайтирилади. Шуни айтиш керакки, бугунги кунда хусусий тадбиркорнинг маҳсулотлари шартнома асосида пойтахтимиздаги ва вилоятлардаги фирма дўконларига етказиб берилмоқда.

# ЁҒОЧГА ЖИЛО БАҒИШЛАБ

**ЁШЛАРИМИЗ ОРАСИДА ОТА-БОБОЛАРИМИЗ ҲУНАРЛАРИНИ ДАВОМ ЭТТИРИШГА ИХЛОС БИЛАН ЁНДОШАЁТГАН, ЎЗЛАРИ ЯСАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАРИДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ, ШАРҚОНА УРФ-ОДАТЛАРИМИЗ ЭЪЗОЗИНИ АКС ЭТТИРАЁТГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР КЎПЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.**

— Ана шундай ҳунари гўзаллар ичида ёғоч ўймакори, ёш маҳоратли уста Файзулла Юсупхўжаевнинг ўз ўрни бор, албатта. Мазкур ҳунар эгалари ўртасида Юсупхўжаевлар сулоласининг нуфузи ўзига яраша бўлиб, Файзулла ҳам ота-боболарига яхши издош бўлишга, уларнинг ҳунарларига меҳр қўйиб, келгуси авлодларга ҳам етказишга ҳаракат қилмоқда. Бу борада унга акаси Фахриддин, тоғаси Акмал Азларов яқиндан ёрдам кўрсатмоқда.

Ҳозирда Файзулла Хастимом мажмуасидаги Бароқхон мадрасасидаги устахонада ўз шогирдлари билан фаолият кўрсатмоқда. У ёғоч ўймакорлигининг Тошкент йўналишида ишлайди. Ўзи тайёрлаган эскизлар асосида оддий ускуналардан фойдаланиб турли маҳсулотлар яратади. Хилма-хил эсдалик совғалари, лаган, лавҳ, сандиқча, қаламдон сингари ёғоч ўймакорлигининг ёрқин қирралари акс этган маҳсулотлари республикамизда ўтказилаётган ярмарка ҳамда кўрик-танловларда кўп марта эътироф этилган. Шунингдек, Файзулла ҳамкасблари билан биргаликда турли буюртмаларни ҳам бажаришда фаол иштирок этади.

Ҳозирда ёш ва изланувчан ёғоч ўймакори шогирдлари билан биргаликда янги маҳсулотлар устида ишламоқда. Унинг асл мақсади халқаро кўргазмаларда ҳам иштирок этиб, миллий ҳунармандчилигимиз довруғини оламга ёйишга муносиб ҳисса қўшишдир.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## УБАЙДИЙ ҲИКМАТЛАР

Гар бўлса омонатқа хиёнат
сендин,
Тегмас эгасиға омонат сендин.
Эттинг бўлубон хоину
ондин сўнгра
Кетти, бил, омонату диёнат
сендин.

* * *

Эй даҳр, вафо таваққуъ
этмон сендин,
Дардимға даво таваққуъ
этмон сендин.
Ҳеч кимни ризо қилғон
эмассен ҳаргиз,
Алқисса, ризо таваққуъ
этмон сендин.

* * *

Шарҳ айлама дардсизга
роҳат қадрин,
Меҳнат кўрган билур
фароғат қадрин.
Чекмай аламу оғримайин
билмас эмиш
Умринда киши роҳати
сиҳҳат қадрин.

* * *

Эй ёр, кулуб бўлмас эмиш
эл тилидин,
Хуррам ҳам ўлуб бўлмас
эмиш эл тилидин.
Элнинг тилидин қутулмоқ
ишин қўйким,
Бир дам қутулиб бўлмас
эмиш эл тилидин.

* * *

Оламда қай иш сиррига
одам етсун?
Қай бирига муносиб ишни
этсун?
Бу навъ балоларки, анга
юзлангай,
Мискин одам балоға қолмай
нетсун?!

* * *

Эй ёр, даме қутулмағунгдур
ғамдин,
Мотамзадалиғ оламида
мотамдин.
Ул навъ маош айлаким оламда,
То борғайсен хушлуқ ила
оламдин.

* * *

Билмас киши неъмат
аро давлат қадрин,
Давлат аро иззат
била ҳурмат қадрин.
Алқиссаки, сиҳҳату
фароғатда, билинг,
Зинҳор фароғат била
сиҳҳат қадрин.

**Эргаш ОЧИЛОВ** тайёрлади

Тошкент Тиббиёт академиясининг жамоаси ва касаба уюшмаси даволаш факультетининг УАШ жарроҳлик кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори **Раҳим Муҳамедович НУРМУҲАМЕДОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.







**ОРТДА ҚОЛАЁТГАН ЁШЛАР ЙИЛИ МАМЛАКАТИМИЗ СПОРТИ УЧУН ҲАМ МУВАФФАҚИЯТЛИ КЕЧДИ. АЙНИҚСА, ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ҚАТНАШИШ ҲУҚУҚИНИ ҚЎЛГА КИРИТГАН ВА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА ИККИНЧИ ЎРИННИ ЭГАЛЛАГАН ЁШЛАР, ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИДА ҚОЗОНИЛГАН МУВАФФАҚИЯТ, КАРАТЭЧИЛАРИМИЗНИНГ ҚАТОР ҒАЛАБАЛАРИ МУХЛИСЛАРНИ ХУШНУД ЭТДИ.**

*Ёшлар — келажагимиз*

# ОРЗУЛАРИНГ ЙЎЛДОШИНГ БЎЛСИН, САРДОР!

Ҳамшаҳаримиз 17 ёшли каратэчи Сардор Ширинбоев учун ҳам жорий йил жуда қувончли кечди.

Ўн йилдан буён «Азамат Карим» клубида мураббий Хўжамқул Хўжақуловдан маҳорат сирларини ўрганиб келаётган Сардор йил бошларида Руминияда ўтказилган Европа чемпионатида олтин медални қўлга киритгани ҳолда катта муваффақиятга эришди. Тошкентда уюштирилган Осиё чемпионатида ўз маҳоратини яна бир карра намоён этган С.Ширинбоев бу гал ҳам ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан ўрин олди. Таъкидлаш жоизки, ёш, умидли спортчи кикбоксинг спорт тури билан ҳам муваффақиятли шуғулланиб келмоқда. Ўтган йили кикбоксинг бўйича Ўзбекистон Кубоги соҳиби бўлган Сардорнинг келгуси режалари ҳам улкан. Миробод саноат касб-ҳунар коллежи ҳуқуқшунослик факультетининг 2-курс талабаси бўлмиш Сардор ҳам спорт, ҳам ҳуқуқ соҳасида билим маҳоратларини муттасил ошириб бориб, яхши мутахассис, янада кучли спортчи сифатида юртимиз довруғини курраи замин узра янада кенг ёйиш ниятида. Биз ҳам орзуларинг муваффақиятларингга қанот бўлсин, Сардор дея тилак билдириб қоламиз.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: ёш, маҳоратли спортчи Сардор Ширинбоев.**
**Муҳаммад Амин (ЎзА) олган суратлар**

*Белбоғли кураш*

# АКМАЛ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

**МОСКВАДА ЁШЛАР ЎРТАСИДА БЕЛБОҒЛИ КУРАШ БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ МАМЛАКАТИМИЗ ПОЛВОНЛАРИ УЧУН МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАНДИ.**

Курраи заминнинг кўпгина давлатларидан келган полвонлар билан беллашган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари юртимизга 1 та олтин, 1 та кумуш ва 6 та бронза медаллари билан қайтишди.

Терма жамоамизга ягона олтин медални 60 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан Акмал Нурматов туҳфа этди. Айниқса, унинг финалда россиялик рақибини катта устунлик билан енга олганлиги мутахассислару мухлислар эътирофига сазовор бўлди.

Умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон терма жамоасига 26 давлат вакиллари орасида учинчи ўрин насиб этди.

*Футбол*

# ЖЕПАРОВ — ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИСИ

**ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ ИШТИРОКИДА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИСИ, ҲАКАМИ, МУРАББИЙСИ ВА ЖАМОАСИ НОМИГА САЗОВОР БЎЛГАНЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ УЮШТИРИЛДИ.**

Унга кўра жорий йилги мавсумда Осиё футбол конфедерацияси томонидан қитъанинг энг яхши футболчиси деб топилган терма жамоамиз аъзоси, «Бунёдкор» клуби ярим ҳимоячиси Сервер Жепаров мамлакатимизнинг ҳам энг яхши футболчиси деб эътироф этилди.

Жорий йилда Саудия Арабистонида ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида муваффақиятли қатнашиб, мусобақанинг финалига қадар етиб борган, Миср Араб Республикасида ўтадиган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийси Аҳмад Убайдуллаев мамлакатимизнинг энг яхши мураббийси деб топилди.

*Чим устида хоккей*

# ҲАМЮРТЛАРИМИЗ — ОСИЁДА УЧИНЧИ

**МАЛАЙЗИЯДА ЧИМ УСТИДА ХОККЕЙ БЎЙИЧА ОСИЁ КУБОГИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Қитъада илк марта ёпиқ иншоотда уюштирилган ушбу нуфузли турнирда 6 та терма жамоа иштирок этди. Шуниси қувонарлики, Осиё Кубогида биринчи марта қатнашаётганликларига қарамай ҳамюртларимиз рақибларига муносиб қаршилик кўрсата олишди ва якунда учинчи ўринни эгаллашди. Дарвоқе, Осиё Кубогидаги муваффақияти учун терма жамоамиз аъзоларининг 17 нафарига халқаро тоифадаги спорт устаси унвони берилди.

*Кураш*

# ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

**БУХОРО ШАҲРИДАГИ «ҲУМО» СПОРТ МАЖМУАСИДА КУРАШ БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ БЕЛЛАШУВЛАРИ ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗГА ОМАД КЕЛТИРДИ.**

Мамлакатимизнинг барча минтақаларидан келган 400 нафар энг сара полвонлар ўртасидаги муросасиз беллашувларда ҳамшаҳарларимиздан Ҳусан Осимов, Илҳом Жўраев, Фазлиддин Мелиев, Тўлқин Салимовлар ўз вазн тоифаларида барча рақибларидан маҳоратли эканликларини исботлаб биринчи ўринни эгаллашди.

Қизлар баҳсида ҳам тошкентликлар Гулноза Норқулова ва Дилноза Қамбароваларга ўз вазн тоифаларида биринчи ўрин эгаси бўлиш насиб этди.

Мусобақалар якунида ғолиблар совринлар ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**(Ўз мухбиримиз)**







*Қиш зийнати қор билан. Қор — оқлик, поклик, беғуборлик рамзидир.*

*Халқлар ва одатлар...*

# ЙИЛ ҚАНДАЙ ҚАРШИЛАНАДИ?

***Ниҳоят йилнинг энг шоҳона байрами етиб келди!***

***Бу лаҳзаларда нафақат йил янгиланади, балки кўнглимизнинг ичкарисида ёруғ туйғулар ҳам бир-бирлари билан ўрин талашаётгандек. Хуллас, ботиний оламимизда нимадир юз берди. Лекин у нима? Кимдир олуранг шарбат тўлдирилган қадаҳга термулиб «ҳаётим тотли ўтсин» дея ният қилса, яна кимдир «турмушим лаззатли бўлсин» деган истак билан таомдан ҳам аввал ширинликка қўл узатади. Эмишки, Янги йил кираётган дақиқаларда киши қандай кайфиятда бўлса, бутун йил бўйи шу кайфият сақланиб қоларкан.***

***«Йил алмашинаяпти, гиналарни унут, ўйнаб-кулиб юр!» дейди кексалар. Бу гапда ҳикмат бор. Лекин, яхшилик йўлидаги иримларга берилмоқ фақат бизнинг халқимизга хос эмас. Мана, эътибор беринг...***

### ТЕЗРОҚ СТУЛДАН САКРА!

Соат ўн иккига бонг урганида стуллар устига чиқиб, сўнгра пастга сакраш германияликларда эски одат саналади. Бу билан улар гўё эски йилдан янгисига «сакраб» ўтишаркан. Янги йил киришига саноқли дақиқалар қолганда стулларни тахт қилиб қўйган немислар бир-бирларига «тезроқ стулдан сакра!» деб шодон қийқиришади.

### ГУЛЧАМБАРГА ТЎЛГАН КЎЧАЛАР...

Тасаввур қилинг-а, кўчалар, уй ва ҳовлилар юзлаб, минглаб анвойи гулчамбарлар билан безатилган бўлса! Жуда ажойиб, шундай эмасми...Ҳиндистонликлар янги йилни худди шундай кутиб олишади. Шу куни ёшу қари бир-бировига ўта илтифот билан муомала қилади, аёллар эса атру ифорлар ила ўзларига оро бериб, уй ичларини покиза тутмоққа ошиқадилар.

### ЎН ИККИ БОШ УЗУМНИ ЕЯ ОЛАСИЗМИ?

Йил алмашинаётганда узумхўрлик қилиш одати испанияликларга жуда хуш келади. Улар бир соат ичида ўн икки бош узумни паққос туширадилар. Ўн икки бош узум — ўн икки ой. «Шарбатга тўлиб пишган узум — роҳатижон, демак ўн икки ой роҳатда яшайлик» дейишади улар. Шу куни қаҳвахона, ресторанларда узумнинг барча нави дастурхонларга тортилади.

### «СОВҒАЛАР ДУНЁСИ»ДА АДАШИБ...

Байрам куни Россия халқлари хонадонларида шунчалик кўп майда-чуйда харид қилинадики, бу совға-саломларни узоқ-яқинларга тақсимлаётган бекаларнинг ўзлари ҳам гоҳида чарчаб кетишади. Аслида Россияда Янги йил байрами Пётр I томонидан 1699 йилда белгиланган бўлиб, у билан боғлиқ одатлар ҳам ўша даврга хосдир.

### ОМАД СУВГА БОҒЛИҚМИКАН?

Идишларни сув билан тўлдириб, сўнг уларни тўкиб ташлаш Куба халқига хос анъана. Сувни тўкиб идишни бўшатиши биланоқ кишилар «сув тўкилди, янги йилимиз омадли келсин» деб ният қилишади. Қизиқ, омад ҳам сувга боғлиқмикин-а...

### «ҲОЙ ҚУЁН, ҚОЧ, МЕН БЎРИМАН»

Турли ҳайвонлар кўринишида ниқоблар таққан йигит-қизлар бир-бирларига шундай сўзлар билан қичқирадилар. Янги йил кечасида Австралия кўчаларида чинакам байрам карнавали бошланади ва у тонгга қадар давом этади. Шу куни кимдир бирорта қарияни учратиб, ундан яхши тилаклар эшитса, буни бахт аломати деб ҳисоблашади. Ёшлар эса Янги йил кириши биланоқ «дўст ва биродар бўлайлик» деган сўзларни такрорлашни унутмайдилар.

### «ҚЎНҒИРОҚ ЧАЛ, ГУНОҲИМ КЕЧИРИЛАДИ!»

Ибодатхоналарда қўнғироқлар нақ 108 марта жаранглайди. Ҳар бир жарангни японияликлар ширин хавотир билан тинглаб туришади. Гўёки қўнғироқнинг ҳар битта садоси эшитувчини эски йилда қилган гуноҳларидан поклаётгандек. Шу учун ҳам бу халқ Янги йил кириши арафасида ҳамма ишни йиғиштириб, қўнғироқ садоларини эшитмоқ учун жам бўладилар.

### МЕҲМОН ТОШ ДУМАЛАТСА...

Янги йил кириб келгач, хонадондаги эшик оҳиста чертилади. Мезбон ўрнидан қўзғалади. Остонада турган меҳмон эшик очилиши билан қўлидаги тошни ичкарига думалатади. «Янги йилда сизларнинг бойлигингиз шу тошдай оғир бўлсин» дейди у. Мана шу сўзларни эшитган ҳар бир грециялик мезбон худди чиндан ҳам тезда бойиб кетадигандек оғзи қулоғига етади.

### КЎП ОВҚАТ Е, УЗОҚ ЯШАЙСАН!

Мўғуллар Янги йил байрамини ўз лаҳжаларида «оқ ой» дейишади. Байрам куни қўй гўшти қайнатиб пиширилади. Чучвара янги йил дастурхонининг шоҳ таоми ҳисобланади. Мўғуллар эътиқодича, шу куни ким кўп овқат еса, ўша узоқ умр кўрармиш!

### ЁЗ ФАСЛИДА...ЯНГИ ЙИЛ!

Янги йил ёз ойида ҳам нишонланади десак, албатта ишонмайсиз. Индонезиянинг Бали оролида Янги йил ўн кун давом этади ва турли ойларда байрам қилинади. Чунки, маҳаллий аҳоли йилномасига кўра бу ерда бир йил 210 кундан иборат.

### ДЕРАЗАДАН УЛОҚТИРИЛГАН БУЮМ

Кўпчилигимиз рўзғордаги эски буюмларни асрабавайлаймиз. Улар ўтган йилларнинг қайсидир хотираларини ёдимизга солиб туради. Балки шунинг учун ҳам қадрлимикин... Аммо, италияликлар бу борада тескари иш тутишади. Улар Янги йил кириб келаётган онларда рўзғордаги жамики эски, уринган буюмларни дераза орқали кўчага улоқтиришади. «Эски йилда эски буюмлардан қутулиш керак» дейди улар.

### ВАРАҚИ ИЧИДАГИ «БАХТ»

Руминияда уй бекалари варақи «чебурек»ларни асосан Янги йил куни тайёрлашиб, ичига танга, узук, митти қўғирчоқ, конфетлар соладилар. Дастурхон атрофидагилардан кимдир варақига солинган нарсанинг номини айтиб сўнг «чебурек»ни тишласа ва айтгани тўғри чиқса...у Янги йилда энг омадли ва бахтли инсон бўлар эмиш. Бу ростмикин-а?

**ГУЛЖАМИЛА** тайёрлади




МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 1106

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилди.
3257 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
125

Топширилган вақти: 15.30